جديد

Tilda, fikrda, işda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

2026-yil 27-noyabr
№ 48 (152)
www.jadid.uz

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

Қарноқ қуёши



Ўн етти ёшида қарноқлик қирқ йигитга қўшилиб, кўнгилли ўлароқ Иккинчи жаҳон урушига кетаётганида егуликлари жамланган тўрвасига “Ўткан кунлар” китобини ҳам солиб олади. Роман қанча замонлар унга йўлдош ва дилдош бўлади. Мусофирчиликда қишлоқдошлари билан йиғилишиб шу китобни ўқиганларида уйларига бориб келгандек кўнгилларини тасалли топади.

(7-саҳифада ўқинг).

СУЮКЛИ НАБИРАМ ШАВКАТБЕККА

ПАРВОЗ ДАВОМИДА БИТИЛГАН МАКТУБ



Ассалому алайкум, кўзимнинг оқу қораси, умримнинг давомчиси бўлган набирам!

Мана шу дақиқаларда биз Иордания давлатига, буюк пайғамбарлар юртига, хусусан, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам авлодлари бўлган Ҳошимийлар Подшоҳлигига ташриф билан кетмоқдамиз.

Ушбу муқаддас сафар давомида, қалбимни Ватанимизга меҳр, соғинч туйғулари қамраб олган дамларда сен, азиз боламга энг эзгу ва самимий тилакларимни йўллашга қарор қилдим.

Албатта, бундай олис сафарлар ҳар қандай одамни ҳам толиқтиради. Аммо мени ҳамиша йўлимга кўзи тўрт бўлиб кутадиган яқинларимни, дуолар билан қўллаб-қувватлаб келаётган халқимни ёдга олсам, барча чарчоқларим бир зумда булутдек тарқаб кетади.

Эрталаб хайрлашиш пайтида болаларча соддалик билан: “Нега Сиз доим узоқ сафарларга кетаверасиз?” деб сўрадинг. Шошиб турганим учун бу саволингга тузукроқ жавоб беролмадим. Бироқ шу гапинг фикру хаёлимни банд қилиб турибди.

Болажоним, сени қанчалик яхши кўришимни биласан. Лекин тақдир зиммамга шундай вазифа юклаганки, мен нафақат сенинг, балки сенга ўхшаган миллионлаб Ўзбекистон фарзандларининг келажаги ҳақида ҳам ўйлашим, қайғуришим керак.

Мен қайси лавозимда фаолият юритмай – депутатми, ҳокимми, бош вазирми ёки давлат раҳбарими, ҳамиша халқ оғирини енгил қилиш, мушкулини осон этишни асосий мақсад, ўз ҳаётимнинг маъно-мазмуни, деб билганман.

Умримни элу юрт хизматига бахш этишдан бир лаҳза бўлсин афсусланмадим. Ҳаётда чиқарган энг катта хулосаларимдан бири шуки, бу дунёда миллатнинг дардига дармон бўлишдан кўра аъло ва афзал иш йўқ.

Тез-тез ўзга юртларга йўл олишим ҳам – сизларнинг, кўпмиллатли халқимизнинг тинч, тўкис ва тўкин яшашини истаганим туфайлидир. Сизлар мактабда яхши ўқиб, ақлли, билимдон бўлиб воя га етишингиз учун ҳам дунё кезишимга, янги-янги ҳамкорлар топишимга тўғри келади.

Бироз улғайсанг, бу гапимнинг, умуман, қуйида баён этадиган мулоҳазаларимнинг маъносини ўзинг англайсан.

Қадрли нуридийдам!

Бизнинг болалигимиз жуда машаққатли кечган, суягимиз қотмасдан катталар билан баравар меҳнат қилишга мажбур бўлганмиз.

Сенинг ёшингда ёзнинг жазирамасида ғўза чопиб, изғирин совуқда пахта терганман. Мактабда ўн йил ўқиган бўлсам, шунинг деярли ярми далада ўтган. Қийинчиликлар бизни эрта улғайтирган.

Бундай азобларни сизларга, халқимнинг барча фарзандларига асло-асло раво кўрмайман. Шунинг учун Президент бўлганимдан сўнг биринчи галда болаларни пахта далаларидан мактабга қайтардим.

Ўғил-қизларимиз муносиб униб-ўсиши учун бунинг ўзи етарли эмас, албатта. Ҳозир қишлоқу шаҳарларда замонавий боғча ва мактаблар қуряпмиз. Сизлар учун яхши дарсликлар яратиш, билимдон ўқитувчилар тайёрлашга интиляпмиз.

Хуллас, сизлар бахтли, тўкис ва фаровон яшашингиз учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қиламиз.

(Давоми 2-саҳифада).

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Абдусаид КЎЧИМОВ

ДАРЁ

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга,
Бир азим чинордек силкинди тоғлар.
Нур кирди тонглари ҳазин қўрғонга,
Мудроқ уйқулардан уйғонди боғлар.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга,
Дашту далаларда чўғланди баёт.
Тўлқинлар денгиздек ҳайқирган онда,
Қадим Ўзбекюртда қайнади ҳаёт.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга,
Сайҳундан, Жайҳундан қудратли ғулу.
Алпона куч берди ёвқур Туронга,
Довқур Туркистонни бирлаштирди у.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга,
Бугун гуллаётир ҳатто, тошимиз.
Ҳар гиёҳ, ҳар чечак, ҳар бир чаманга,
Дарё бўлаётир Карвонбошимиз.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга,
Ҳазрат Бухорийлар дуоси шулдир.
Ватандош, борингни бахш эт, Ватанга,
Ватанни оқ – оппоқ гулларга тўлдир.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга,
Намхуш новдаларда куртаклар қатор.
Учинчи Ренессанс -- мовий гулшанда,
Бойчечак кўтариб жилмайди баҳор.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга.
Кўнгил боғларига юлдузлар қўнди.
Кўкка қўл узатган Ўзбекистонга,
Қуёш ҳам айро нур сочмоқда энди.

Бир дарё шарқираб кирди Ватанга –
То абад шовуллаб тургай энди у.
Улуғ Туркистонда – буюк Туронда,
Тахтимиз мангудир, бахтимиз мангу.

ЕТТИКУНЛИК

ГЛОБАЛ ДИПЛОМАТИЯ ВА АВЛОДЛАРГА ХИТОБ



Ортда қолаётган ҳафта мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бир-бирини мантиқан тўлдирувчи муҳим воқеалар билан тарихга муҳрланди.

Унда ҳудудларнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятини оширишга қаратилган ички ислоҳотлар, Яқин Шарқ минтақасида янги стратегик ҳамкорлик кўпригининг барпо этилиши ҳамда давлатчилик масъулияти ва оилавий қадриятларни бирлаштирган, бутун миллат қалбини ларзага солган маънавий ҳодиса уйғунлашди.

ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти Паркент туманига ташрифи ва у ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишуви замонавий Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар, урбанизация ва туризм ривожи айнан қандай тамойиллар асосида амалга оширилиши лозимлигини кўрсатиб берган жонли мастер-класс бўлди.

Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг Паркентга янги электропоездда кириб келиши катта маънога эга. Халқимизда “Йўл азоби – гўр азоби” деган ҳикматли гап бор. Йиллар давомида хушманзара табиати, тоза ҳавоси ва меҳнаткаш одамлари билан машҳур Паркентнинг пойтахт билан транспорт алоқаси оғир ва қиммат эди. 124 миллиард сўмлик “ЭПЗД” поезди йўлга қўйилиб, йўл ҳақининг 10 минг сўм этиб белгиланиши (таксидан 2,5 баробар арзон) – том маънода инсон манфаатига қаратилган ижтимоий қарор бўлди.

Тошкент билан Паркент орасидаги масофа 1 соат 13 дақиқага қисқарди. Бу нафақат кунига 2 минг йўловчининг оғирини енгил қилади, балки туман аҳолисининг шаҳарга қатнаб ишлаши, шаҳарликларнинг эса дам олиш кунларини табиат қўйнида ўтказиши учун қулай кўприкка айланди.

Паркентга амалга оширилган бу ташриф миллий иқтисодиётни ҳудудий драйверлар орқали кўтариш бўйича Президент сиёсатининг ёрқин кўзгусига айланди.

(3-саҳифада ўқинг).

ФАКТ

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўриқлаш хизматлари сифати ва қамрови даражасини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.**

✓ **Иккинчи Озарбайжон – Ўзбекистон парламентлараро форумида Боку декларацияси қабул қилинди.**

✓ **Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 57,6 минг нафар чет эл фуқароси ўқиш мақсадида Ўзбекистонга келган.**

✓ **"CEOWORLD Magazine" эълон қилган 2027 йилда саёҳат қилиш учун энг хавфсиз мамлакатлар рейтингида Ўзбекистон 27-ўринни эгаллади.**

РЕСПУБЛИКА ЗИЁЛИЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Қадрли юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати билан турли соҳа ва тармоқларда улкан тарихий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Янги Ўзбекистон шароитида ҳар биримизнинг ҳаётимиз, жаҳонда, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга муносабатимиз, дахлдорлик ҳиссимиз тубдан ўзгариб бормоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

ИЖОД ЙЎЛИ



“ЗИЁЛИ МАЙДАЛАШМАСИН!”

Таниқли шоир ва таржимон Миразиз АЪЗАМ билан суҳбат

– Устоз, инсон шахсиятининг шаклланишида унинг болалиги катта роль ўйнайди. Таниқли адиб, таржимон Миразиз Аъзамнинг фаолият йўли адабиётга туташишига кимлар ва нималар сабабчи бўлган?

– Мен Тошкент шаҳрининг Қорасарой деб аталадиган гўшасида, миллий анъаналарга ниҳоятда содиқ, меҳр-оқибатли инсонлар яшайдиган маҳаллада туғилиб ўсганман.

(Давоми 6-саҳифада).

СУЮКЛИ НАБИРАМ ШАВКАТБЕККА

ПАРВОЗ ДАВОМИДА БИТИЛГАН МАКТУБ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айни пайтда, етук инсон бўлиб улғайиш, аввало, ўзингизга, ирода ва сабот-матонатингизга боғлиқ. Бунинг учун барча фанларни қунт билан ўзлаштириб, қобилиятингизни тўлиқ юзага чиқаришга интилишингиз керак.

Унутма, сизлар ўз ақл-заковати билан дунёни ўзгартирган, инсониятга устозлик қилган не-не буюк зотларнинг авлодисиз.

Муҳаддислар султони Имом Бухорий, алломалар сардори Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмида инқилоб ясаган Абу Али ибн Сино, осмон тоқига нарвон қўйган Мирзо Улуғбек, она тилимизда беқиёс дурдона асарлар яратган Алишер Навоий, жаҳолат зулматини маърифат нури билан ёритган Маҳмудхўжа Беҳбудий, эҳ-ҳэ, улуғ боболаримизнинг қай бирини санай! Улар шу қадар кўпки, номларининг ўзиёқ жилд-жилд китобларга жо бўлади.

Мухтасар айтсам, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерида буюк олиму фозиллар, азиз-авлиёлар, мард ва жасур саркардаларнинг муборак хоки ётибди. Уларнинг мамлакатимиз тарихидаги ўрни, оламшумул хизматлари ҳақида сенга мавриди келганда, албатта, сўзлаб бераман.

Юртимиздаги миллионлаб ўғил-қизларимизнинг қалбида ҳам даҳолар, уларнинг ўлмас руҳи яшаётганига имоним комил. Фақатгина бу фарзандларимизнинг иқтидорини вақтида уйғотиб, парваришлай олсак бас.

“Аслинг – наслинг”, дейишади. Астойдил ҳаракат қилсангиз, сизлар ҳам донишманд боболарга муносиб ворис бўлиб етишасиз. Атрофингга назар солсанг, бунга истаганча далил топишинг мумкин.

Мана, қанча ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб келяпти.

Қанча ёшларимиз хориждаги энг нуфузли университетларда таҳсил оляпти.

Яна қанча навқирон фарзандларимиз фаннинг турли йўналишларида кашфиёт ва ихтиролар қилмоқда.

Шахматчи йигит-қизларимиз жаҳон биринчиликларида зафар қозониб, Янги Ўзбекистон ёшлари нақадар улуғ ишларга қодир эканини исботламоқда, таъбир жоиз бўлса, шахмат тарихини қайта ёзмоқда.

Билгинки, олимлар, ихтирочилар, чемпионлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Боғбон ўзи эккан ниҳол ўсиб, мевага киргунига қадар неча йил тер тўкиб меҳнат қилади. Зукко, билимли, ҳунарли ёшларни вояга етказиш ҳам ана шундай машаққатли иш, масъулиятли юмушдир.

Биз ўн йил бурун ҳамма соҳада иқтидорли болаларни тарбиялашга киришган эдик. Бугун ана шу ишларимизнинг дастлабки умидбахш натижаларини кўриб турибмиз.

Азиз дилбандим!

Сизларга Ўзбекистондек озод ва обод юртда туғилмоқ, яшамоқ бахти насиб этди. Она Ватанимиз чиндан ҳам жаннатмонанд юрт! Академик шоиримиз Ойбек Ўзбекистонимизни тупроғида олтин гуллайдиган ўлка, деб таърифлаганида юз карра ҳақ эди.

Ўзбекистон деб аталган, уч минг йилдан зиёд давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакат фарзанди, ўзбек деган улуғ миллат ўғлони эканингдан ҳамиша ғурур, ифтихор туйиб яшагин, болам!

Юрт келажаги сен каби миллионлаб ёшларга боғлиқ эканини асло унутма! Илм-маърифат ўрганишга сидқидилдан ҳаракат қил! Чунки билим ва тафаккур битмас-туганмас бойликдир.

Ёдда тутгинки, ёшликда олинган билим худди тошга ўйилган нақш каби сира ўчмайди, бахтли, кучли ва баркамол инсон бўлиб ҳаёт кечиришинг учун бутун умр сенга ҳамроҳу ҳамнафас бўлади.

Тўғри, бугун сен ва сен мансуб бўлган авлодни мутолаадан чалғитадиган машғулотлар, вақти, эътибори ва имкониятларини ўғирлайдиган технологиялар кўпаймоқда.

Замонавий гаджетлар ва сунъий интеллектдан унумли фойдалан, аммо уларга қарам бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл!

“Олтин зангламас” деганларидек, чинакам билим ва маърифат ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

Илм-фан янгиликларини синчковлик билан кузатиб, уларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қил!

Тил билган – эл билади, хорижий тилларни ўзлаштиришга рағбатингни асло сусайтирма!

Ҳар куни билим олишга, янги кўникма ва тажриба орттиришга ҳаракат қил! Бирор ишга қўл урсанг, уни албатта охирига етказгин. Бугунги ишни асло эртага қолдирма!

Паҳлавон болам!

Сен дунёга келган кунингдан буён қалбимизга олам-олам қувонч бахш этмоқдасан. Илк бор тетапоя қилиб юрганинг, тилинг чиқиб, бийрон-бийрон сўзлай бошлаганинг, қисқаси, ҳар бир олға ташлаган қадамингни чексиз шодлик ва улкан ғурур билан кузатамиз. Шундай кезларда “данагидан мағзи ширин” деган ибора қанчалик тўғри эканига такрор-такрор амин бўламан.

Аста-секин ҳаётингдаги муҳим даврларга кириб бормоқдасан. Фурсатдан фойдаланиб, сенга вақтнинг қадри хусусида ҳам икки оғиз насиҳат қилишни лозим топдим.

Мендан “Бобожон, ҳозир сизга нима кўпроқ етмайди?” деб сўрасанг, ҳеч иккиланмай “Вақт етмайди, вақт!” деб жавоб бераман. Онгу тафаккуримни жонажон юртимизни янада юксалтиришга қаратилган кўп-кўп янги ғоялар, илғор ташаббуслар банд этган. Афсуски, уларнинг барини юзага чиқаришга вақт камлик қиляпти. Шу сабабли, кам ухлаб, кўп ишлашга тўғри келмоқда. Яратган Эгам зиммамга шундай улкан масъулиятни юклаган экан, ширин уйқудан, ҳаловатдан воз кечмасам бўлмайди. Халқим тунда осуда ухлаши учун ҳам мен ҳар доим бедор бўлмоғим керак, ахир!

Унутма, вақт шундай бойликки, унинг баҳоси йўқ. Уни ортга қайтариш, тиклаш ҳам имконсиздир. Шундай экан, ҳар бир дақиқани ғанимат бил!

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди, болажоним! Ҳаётда кўнглингга туккан ишларинг ҳар доим ҳам тез ва соз амалга ошмаслиги, гоҳида омад юз ўгириши ҳам мумкин. Шундай паллаларда шошқалоқлик ва умидсизликдан йироқ бўлиб, сабр ва иродага суянмоқ лозим.

Шуни доимо ёдда тутгинки, чинакам муваффақият бу – муваффақиятсизликдан хулоса чиқариб, руҳни чўктирмай, чидам ва жасорат билан олдинга боришдир. Ҳаётдаги энг катта ютуқ ҳеч қачон йиқилмасликда эмас, балки йиқилган тақдирда ҳам ўзида куч топиб қайта тура билишдадир. Шунинг учун ҳеч қачон енгилдим дема! Тушкунликка тушма! Фақат олға ва яна олға юр!

Эзгу ният, қатъий амал ва гўзал фазилатлар билан яшасанг, асло кам бўлмайсан. Илм-маърифат ва қатъий интизомга таянган меҳнат эса нонингни бутун, эл-юрт орасида номингни азиз қилади.

Суюкли набирам!

Мен ҳар гал ўзга юртларда сафарда юрганимда сизларни, Ўзбекистонни жуда соғинаман. Бамисоли дарё соҳилидан тошгандек, соғинч қалбимдан тошганда байроғимизга қарайман.

Байроқ – Ватанимиз, миллий ғуруримиз тимсоли. Киндик қони тўкилган юртни севган инсон унинг рамзларини ҳам кўз қорачиғидек асраб-авайлайди.

Мен Ўзбекистонда ўсиб-улғайиб келаётган ҳар бир бола она диёримизни чин дилдан яхши кўриши, байроғимизни ор-номусимиз ва шарафимиз рамзи сифатида қадрлаб, уни ҳамиша баланд кўтаришини истайман.

Сен ҳам келажакда қайси касб-корни эгаллашингдан қатъи назар, Ватанга наф келтирмоққа, эл корига ярамоққа интил!

Ишончим комил, бугун биз амалга ошираётган улкан ислоҳотлар Янги Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафига кириши учун мустаҳкам замин бўлади.

Олдимизга қўйган юксак марралар, улуғвор мақсадларга эришиш бутун халқимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, миллат ва давлат якдиллигини талаб этади. Бу йўлда сизлар ҳам ўзингизнинг бор ақл-заковатингиз ва куч-ғайратингизни ишга солиб, астойдил ҳаракат қилишингиз керак.

Одамийлик – инсоннинг асл зийнати. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон бўлиб қолмоқ муҳимдир. Мардлик, орият, ватанпарварлик, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик, олижаноблик каби фазилатларингни гавҳар каби асраб-авайлагин!

Исми жисмига монанд бек ўғлим!

Кўнглимда сенга айтадиган гапларим кўп, аммо давлат иши билан боғлиқ вазифалар боис мактубимни ҳозирча шу ерда тўхтатишга мажбурман.

Сен ҳам, тенгдошларинг ҳам бир нарсани доимо ёдингизда тутинг: сизлар бобобувиларингиз, ота-онангизнинг кўз қароғи, бебаҳо бойлигисиз.

Менинг ўз фикрларим юртимиздаги ҳар бир бобо ва ота, ҳар бир буви ва онанинг ўз азиз дилбандларига атаган юрак сўзларидир.

Менинг ўз насиҳатларим Ўзбекистоннинг барча болаларига бағишланган эзгу тилакларидир.

Сизларни жуда соғинганман. Насиб этса, тез орада дийдорлашамиз.

Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлгин!

Илоҳим, камолингни, иқболингни кўриб юрайлик!

Президент бобонг
Шавкат МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ

ВАТАНГА ВОБАСТА КЎНГИЛ



Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

Ёш авлод камолоти масаласи катта фалсафий мушоҳадага асос бўладиган мавзу. Боланинг кўнгли мисли оқ қоғоз. Унинг содда, беғубор саволлари инсонни узоқ хотираларга чулғайди, оила тақдирига масъуллик ҳисси уни не кўйларга солгани, ўз насли давомчиси ўзидан кўра бахтлироқ яшаши учун умрини бағишлагани бир зумда кино тасмасидек кўз олдидан ўтади. Ҳеч бир ота ёки бобо йўққи, фарзанди ёки набирасининг камолотини тиламаса. Ҳеч бир инсон ўзи бошидан ўтказган машаққатларини боласи кўришини истамайди. Дилбандининг жавобга илҳақ нигоҳига қараркан, кўнгли ийиб, кўнгли тубида асраб юрган орзу-умидлари, пок ниятларини тўкиб солгиси келади. Бола унинг гаплари мағзини чақа олмаса-да, ҳаёт синовларида тобланган оилабоши ўгитлари мурғак қалбда ўчмас из қолдиради.

Президентимиз миллат отаси сифатида улкан оила бўлмиш бутун бир халқ тақдири, ёш авлоднинг камолотига масъуллигини умр мазмуни билан боғлайди. Давлатимиз раҳбарининг ўз набираси Шавкатбекка битган мактуби замирида ана шу ҳаёт ҳақиқатини кўраман.

“НЕГА СИЗ ДОИМ УЗОҚ САФАРЛАРГА КЕТАСИЗ?”

Шавкатбекнинг бобосига берган саволи содда, унда болага хос соғинч, яқин инсонини ёнида кўриш истаги бор. Бола учун бобосининг сафарга кетиши, уйда бўлмаслиги тушунарсиз. У бобосини кутади, у билан суҳбатлашишни, бирга вақт ўтказишни истайди. Бу саволга, аслида, “Ишим бор, болам”, деб жавоб бериш ҳам мумкин эди. Аммо мамлакатимиз Етакчиси набирасига бошқа жавобни танлайди. У нега сафарга чиқишини тушунтириш билан чекланмай, ўз ҳаётининг мазмуни, халқ олдидаги бурчи, ўтган умридан чиқарган хулосалари ва келажак авлод ҳақида ўйлайди.

Мактубнинг бутун мазмуни ана шу жавобдан бошланади. Унда бобонинг набирасига меҳри ҳам бор, давлат раҳбарининг халқ олдидаги масъулияти ҳам. Лекин бу икки туйғу бир-биридан ажралган ҳолда эмас, инсоннинг ўз оиласи ва бутун халқ олдидаги бурчини бирдек ҳис этиши орқали намоён бўлади. “Мен нафақат сенинг, балки сенга ўхшаган миллионлаб Ўзбекистон фарзандларининг келажаги ҳақида ҳам ўйлашим, қайғуришим керак”, дейди Президентимиз. Бу жумлада миллионлаб болаларнинг келажаги, оилага бўлган меҳр билан юрт олдидаги бурчнинг муштараклиги ифодаланади. Шавкатбек ва унинг тенгқурлари бу сўзларнинг маъносини бугун тўла англамасликлари мумкин, аммо улар улғайгач, бобосининг жавобида изоҳ эмас, эртанги кун, уларнинг фаровон ҳаёти учун босиб ўтилган йиллар ва йўлларнинг заҳматини тушунадилар. Мактубнинг фалсафий моҳияти ҳам ана шунда – суюкли набирасининг саволига жавоб бериш орқали миллат отаси бутун авлодга ўз қалбини очади.

Шарқ адабиётида бундай суҳбатларнинг яхши намуналари бор. Кайковус “Қобуснома”ни ўғлига мурожаат тарзида ёзиб, моҳиятан бутун инсониятга ҳаётий сабоқларни қолдиришга интилган. Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ҳаёт ҳақиқати ва фалсафаси, инсон камолоти, юксак фазилатларни тарбиялаш, адолатли давлат ва жамият масалаларини ҳаётдаги турли вазиятлар мисолида тушунтиришга интилганлар. Бу пандномалар умумбашарий аҳамияти билан асрлар оша ҳам қимматини йўқотган эмас. Президентимизнинг набирасига мактуби ҳам оила чегарасидан чиқиб, теран ижтимоий мазмун касб этади.

Мактубнинг энг таъсирли сатрлари болалик хотираларига бағишланган. Президент набирасига ўзи ва тенгдошлари қандай шароитда улғайганини айтади. Ёзнинг жазирамасида ғўза чопгани, қишнинг изғиринида пахта тергани, мактабда ўқиган йилларининг деярли ярми далада ўтганини эслайди. Ҳа, қарийб 80 йил бутун бошли авлод ва уларнинг болалари ҳам қўлида дафтар-қалам бўлиши керак бўлган пайтда кетмон тутишга, ўқиб-ўрганиши лозим бўлган пайтда пахта теришга мажбур бўлди. “Бундай азобларни сизларга, халқимнинг барча фарзандларига асло-асло раво кўрмайман”, дейди Президентимиз.

Мактубда илм олиш, касб эгаллаш, вақтни қадрлаш, технологиядан оқилона фойдаланиш, Ватанга хизмат қилиш ва одамийлик ҳақида сўз боради. Буларнинг ҳар бири бугунги ёш авлод ҳаётида муҳим ўрин тутадиган масалалардир.

ЗИЁЛИ КИМ?

Мактуб келажак авлодга қандай ҳаёт қолдиришимиз, унинг олдидаги бурчимизни қай даражада адо этишимиз ҳақида бутун жамиятимизни чуқур мулоҳаза қилишга чақирувчи хитоб кўринишини олган. Шу нуқтада мактубнинг моҳиятига сингиб кетган яна бир савол намоён бўлади: зиёли ким? Бу саволга жавобни фақат маълумот, илмий даража ёки касбий мавқе билан чеклаш мумкинми?

Зиёлилик, энг аввало, билимли, доно инсоннинг буюк мураббийлик миссияси, жамият ва келажак авлод олдидаги масъулияти ва жамият тараққиётига дахлдорлиги билан белгиланади. Зиёли ҳаёт фалсафасини яхши билиши, жараён топаётган воқеа-ҳодисаларнинг туб сабабларини англай олиши, жамият тарбиясида пешқадам бўлиши лозим. У ўзи билган нарсани бошқаларга етказиш билангина кифояланмайди, жамиятда маънавий қадриятларга ҳурматни шакллантиришда намуна бўлади. Зиёли тушунчасининг ижтимоий моҳияти ҳам айнан шунда.

Зиёли халқнинг дардини англамаса, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларга бефарқ қараса, ўз фазилатларини ёшларга юқтира олмаса, унинг ижтимоий мақоми ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Давлатимиз раҳбари шу нуқтаи назардан, ўз набираси тимсолида миллионлаб болаларга йўллаган мурожаати орқали ота-оналарни сергак тортишга ундайди, юртнинг зиёлиси қандай бўлиши лозимлигини ҳам кўрсатади.

ИНСОННИНГ АСЛ ЗИЙНАТИ

Инсон қадрини улуғлаш, энг аввало, унинг болалигини асрашдан бошланади. Фарзаднинг мактабга бориши, сифатли таълим олиши, соғлом улғайиши, ўз қобилиятини намоён этиши учун шароит яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Рақобат кучайиб бораётган дунёда табиий бойликларнинг ўзи тараққиёт кафолати бўла олмайди. Илмий тафаккур, малакали мутахассислар, технологик янгиликлар, сифатли таълим ва самарали бошқарув давлатнинг узоқ муддатли имкониятларини белгилайди. Буларнинг барчаси эса инсонни болаликдан тўғри тарбия топиши, таълим олиши учун зарур шароитга эга бўлишидан бошланади.

Мактубда аждодларимиз номининг тилга олиниши ҳам бежиз эмас. Уларнинг номини улуғлаш, асарларини ўрганиш, нашр этиш ва тарғиб қилиш зарур. Лекин аждодлар меросига муносабатимиз фақат эҳтиром ва баландпарвоз таърифлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Уларнинг илмий жасорати, ҳақиқатни излаш йўлидаги матонати бугунги авлод учун ҳам дастуриламал бўлмоғи лозим. Тарихий хотира бугунги фаолиятимизга мезон бўлгандагина том маънода маънавий кучга айланади. Акс ҳолда, буюк аждодлар номи билан фахрланишимиз билан уларнинг чинакам давомчилари бўлиш ўртасида катта тафовут пайдо бўлади.

Мактубда замонавий гаджетлар ва сунъий интеллектдан унумли фойдаланиш, айни пайтда, уларга қарам бўлиб қолмаслик ҳақида айтилган фикрлар ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Технологиялар инсониятнинг билим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бугун дунёнинг турли мамлакатларидаги илмий манбалар билан танишиш, хорижий тиллардаги адабиётларни ўрганиш, мураккаб маълумотларни таҳлил қилиш учун илгари тасаввур этиш қийин бўлган воситалар мавжуд. Аммо технологиянинг имконияти ундан фойдаланувчининг тафаккур даражасига боғлиқ. Тайёр жавобни топиш мумкин, лекин унинг қанчалик тўғри эканини аниқлаш, манбани текшириш, фикрларни қиёслаш ва мустақил хулоса чиқариш инсоннинг билимига таянади. Акс ҳолда, инсон воситадан фойдаланувчи эмас, унинг тайёр натижаларига қарам бўлиб қолган истеъмолчига айланади.

Мактуб якунида Ватан туйғуси алоҳида самимият билан ифодаланади. Давлат раҳбари хорижий сафарларда юрганида Ўзбекистонни соғиниши, соғинч қалбидан тошган дамларда миллий байроғимизга қараши ҳақида ёзади. Сафарда юрган киши учун Ватан баъзан узоқда қолган оила, она тилида эшитилган бир оғиз сўз, болалик хотиралари ёки юрт осмонида ҳилпираган байроқ тимсолида намоён бўлади. Ана шу соғинч инсон қаерга бормасин, қандай ютуқларга эришмасин, ўзлигини унутмаслиги кераклигини англатади.

Мактубда юксак мақсадларга эришиш учун халқнинг ҳамжиҳатлиги, миллат ва давлат якдиллиги зарурлиги таъкидланади. Бу фикр бугунги мураккаб дунёда янада теран мазмун касб этади. Жамиятдаги ишонч, фуқароларнинг ташаббуси, ўзаро ҳурмат, билим ва меҳнатга муносабат ҳам тараққиётнинг муҳим шартларидир. Саъй-ҳаракатлар умумий мақсад йўлида бирлашиб, мамлакатнинг катта кучига айланади.

Якуний ўгитлар орасида “Одамийлик – инсоннинг асл зийнати” деган фикрнинг алоҳида ўрин тутиши бежиз эмас. Илм, истеъдод, касбий маҳорат ва муваффақият инсон ҳаётини безайди. Лекин буларнинг барчаси одамийлик билан уйғунлашгандагина, ҳақиқий қадриятга айланади. Бу фазилатлар болага фақат насиҳат орқали сингмайди. У кундалик ҳаётда кўрган муносабатларидан ўрганади. Фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб улғайиши кўп жиҳатдан биз бугун қандай инсон бўлиб яшаётганимизга боғлиқ.

Биз фарзандларимизга бахтли келажак тилаш билан чекланмаслигимиз керак. Улар ана шу бахтли келажакда яшаши учун бугун ўзимиз муносиб ҳаёт, муносиб жамият ва муносиб ибрат қолдиришимиз шарт. Авлодлар олдидаги энг катта қарзимиз ҳам, энг улуғ вазифамиз ҳам шу.

МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ МУЛКИ



Эъзозхон КАРИМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари

Инсоният тарихида шундай мактублар борки, улар муайян бир инсонга аталган бўлса-да, замон ва макон чегараларидан ўтиб, бутун авлодларнинг маънавий мулкига айланади. Уларнинг қиммати сатрларида мужассам бўлган ҳаётий тажриба, инсоний меҳр, эзгу ният ва келажак ҳақидаги ўйлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иорданияга сафари чоғида ўз набирасига йўллаган мактуби ҳам ана шу маънавий анъана доирасидаги нома эканини кўриш мумкин.

Тарихга назар ташласак, бу нафақат миллий давлатчилигимизда, балки хориж доираларида ҳам эзгу анъана эканига гувоҳ бўламиз. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг учинчи Президенти Томас Жефферсон 1808 йилда ўз набираси Томас Жефферсон Рендольфга бир нечта мактуб йўллаган. У ўз мактубларида набирасига билим олиш, машғулотларда ўрганганларини мунтазам ёзиб бориш, мустақил ҳаётда оқилона қарор қабул қилиш, ҳалоллик ва яхши хулқни сақлаш хусусида насиҳатлар берган. Бу мактублар бугун ҳам тарихий манба сифатида сақланади. Улар давлат арбобининг келажак авлод тарбиясига оид қарашларини ўрганиш имконини беради. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Нерунинг қизи Индирага ёзган мактублари эса кейинчалик жаҳон тарихи, халқлар маданияти, цивилизациялар тараққиёти ҳақидаги маърифий асарларига асос бўлган. Мисоллардан англашиладики, бундай мактублар баъзан ўзининг дастлабки вазифасидан анча кенг маъно касб этади. У муайян бир даврнинг тарбиявий қарашларини, ҳаётий тажрибаси ва келажакка муносабатини акс эттирувчи тарихий манбага айланади.

Давлатимиз раҳбарининг набирасига ёзган мактубида энг эътиборли жиҳатлардан бири – унда икки авлод болалигининг қиёсланишидир. Президент ўз болалигида пахта далаларида меҳнат қилгани, мактабда ўқиши лозим бўлган вақтнинг катта қисми далада ўтгани ҳақида сўз юритади. Бу шахсий хотира орқали боланинг таълим олиш ҳуқуқи, болаликнинг қадри ва муносиб шароитда улғайишининг аҳамияти очиб берилади. Зеро, тарихий хотира фақат ўтмишдаги буюк аждодларимиз билан фахрланишдан иборат эмас. У халқ бошидан кечирган қийинчиликларни билиш, улардан сабоқ чиқариш ва келажакда бундай муаммолар такрорланмаслиги учун ҳаракат қилишни ҳам англатади.

Мактубда анъанавий миллий тарбия масалалари замонамизнинг долзарб чақириқлари билан уйғунлашган. Замонавий технологиялар ва сунъий интеллектдан оқилона фойдаланиш, хорижий тилларни ўрганиш, илм-фан янгиликларини кузатиш, вақтни қадрлаш, бошланган ишни охирига етказиш каби тавсиялар бугунги авлод ҳаётига бевосита дахлдор. Бугунги бола ахборотни топиш билан бирга, уни таҳлил қилишни, ҳақиқатни ёлғондан ажратишни, мустақил хулоса чиқаришни ҳам ўрганиши керак. Инсон ҳаётига жадал кириб келаётган сунъий интеллект инсон тафаккурининг ўрнини эгаллайдиган эмас, балки унинг имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган восита бўлиши лозим.

Тарихий хатда вақтнинг қадри, муваффақиятсизликдан тўғри хулоса чиқариш, қийинчиликлар олдида умидсизликка тушмаслик ҳақидаги ҳаётий ўгитлар нафақат болалар, балки ҳар қандай ёшдаги инсон учун аҳамиятли. Чунки инсон камолоти бир марталик муваффақият билан эмас, балки мунтазам изланиш, хатолардан ўрганиш, зарур пайтда ёрдам сўраш ва ўз имкониятларини ривожлантириш орқали шаклланади.

Мактуб бизни яна бир муҳим масала – оилада авлодлар ўртасидаги маънавий мулоқот ҳақида ҳам ўйлашга ундайди. Азалдан ўзбек хонадонида бобо ва бувилар бола тарбиясида алоҳида ўрин тутган. Болалар халқ оғзаки ижоди, эртаклар, мақоллар, оила тарихи ва ҳаётий ҳикоялар орқали катта авлоднинг тажрибасидан баҳраманд бўлган. Бобонинг бир ҳикоясида баъзан бутун бир давр тарихи, бувининг бир насиҳатида эса йиллар давомида тўпланган ҳаётий ҳикмат мужассам бўлади. Бугун шиддат билан ўзгараётган ҳаёт тарзида ана шу мулоқот анъанасини асраш муҳим. Бир ўйлаб кўрайлик: бир кунда фарзандларимиз билан қанча вақт самимий суҳбатлашамиз? Уларга ўз болалигимиз, оиламиз тарихи, бошимиздан кечган воқеалар, ҳаётда йўл қўйган хатоларимиз ва улардан чиқарган хулосаларимиз ҳақида қанчалик кўп сўзлаб берамиз? Уларнинг орзуларини эшитамизми? Саволларига етарлича эътибор қаратамизми?

Баъзан фарзандларимизга моддий жиҳатдан барча шароитни яратишга интилиб, уларга берилиши мумкин бўлган энг қадрли мерос – ҳаётий тажриба, меҳр, эътибор ва самимий мулоқотнинг аҳамиятини унутиб қўймаяпмизми? Зеро, миллий тарбия фақат насиҳат қилиш эмас. Миллий тарбия – шахсий ибрат, ўзаро ҳурмат ва биргаликда кечирилган ҳаёт орқали қадриятларни авлоддан авлодга етказиш жараёни ҳисобланади.

Нега ҳар бир бобо ўз набирасига, ҳар бир ота ўз фарзандига, ҳар бир устоз ўз шогирдига ҳаётда орттирган тажрибалари асосида мактуб битмаслиги керак? Нега зиёлиларимиз, олимларимиз, адибларимиз, нуронийларимиз ўз ҳаёт йўллари, илм сирлари, касбий тажрибалари ва келажак авлодга тилакларини ёзма равишда қолдирмасликлари керак? Бундай битиклар орқали ҳар бир оиланинг тарихи, ҳар бир инсоннинг ҳаётий тажрибаси, халқимизнинг турмуш тарзи ва миллий қадриятларига оид хотиралар келажак авлодларга етиб боради-ку! Зиёлининг вазифаси фақат илм яратиш эмас, балки ўзи эгаллаган билим ва тажрибани бошқаларга етказиш ҳамдир. Отанинг вазифаси фақат фарзандини вояга етказиш эмас, балки уни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳамдир. Бобонинг набирасига қолдириши мумкин бўлган энг қимматли меросларидан бири йиллар давомида орттирган ҳаётий ҳикматидир.

Тарихий воқислик фақат аждодлардан қолган обидалар, қўлёзмалар ва китобларда намоён бўлмайди. У оиладаги самимий суҳбатда, устознинг шогирдига берган сабоғида, бобонинг набирасига айтган ўгитида ҳам яшайди. Президентнинг набирасига битган мактуби ана шу азалий анъанани бугунги кун нуқтаи назаридан қайта мушоҳада қилиш учун бир имкониятдир. Унда кечаги авлоднинг хотираси, бугунги куннинг вазифалари ва эртанги авлодга билдирилган эзгу тилаклар бирлашган.

Бугун оила даврасида ушбу мактубни биргаликда ўқиш, ундаги илм-маърифат, вақтнинг қадри, ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва Ватан олдидаги масъулиятга оид фикрларни фарзандлар билан муҳокама қилиш фойдали тарбиявий машғулот бўлади.

Тарих ҳар бир авлод олдига бир саволни қўяди: биз ўзимиздан кейин келадиганларга нимани қолдирамиз? Ана шу савол ҳақида ҳар бир ота, ҳар бир бобо, ҳар бир устоз, ҳар бир зиёли ўйлаб кўриши лозим.

ҚАЛБЛАРГА ТАШЛАНГАН ОТАШ

Президентимизнинг суюкли набирасига битган мактубини ўқиб, бахт, аввало, оила, фарзандлар, набиралар, авлодлар билан боғлиқ эканини яна бир бор ўйладим. Биласизми, баъзан инсон фарзандларига айтолмаган ёки айтишга фурсат топмаган нозик туйғуларни набираларига айтгиси келади. Балки, бу фарзандларга ажрата олмаган вақт ўкинчи, иш ва ташвишларда ўтган умр изтиробларидир.

Президентимиз бу мактуби билан жуда кўплаб ҳақиқатларни, дил туғёнларини ошкор этган. Бу мактуб орқали авлодларга, миллионлаб болаларга мурожаат қилган. Уларнинг Ватан олдидаги масъулиятини яна бир бор эслатган.

Минг афсуски, биз таҳдид ва таҳликаларга тўла дунёда яшаяпмиз. Энг аввало, бундан Президент безовта бўлади, хавотир олади. Боланинг бахтли бўлишга ҳақи бор. Агар мабодо бундай бўлмаса, бу биз катталарнинг мудҳиш хатомиздир.

Президент мактубида болаларга бугун айтмаса, эртага кеч бўладиган ҳақиқатлар бор. Мен мактубни ўқиш давомида Президентимиз қалбида айнан авлодларга айтиладиган улуғвор мақсадлар яшаётганини билдим.

Мактуб замирида улкан ҳақиқатлар, олижаноб орзулар, муҳташам меҳр бор. Янги Ўзбекистоннинг теран тафаккурли болалари Президентимизнинг самимий мактубидан руҳланишига, янги-янги марраларни забт этишига ишонаман. Президент мактуби ҳам айнан мана шу ишонч ва умид маҳсулидир.

Бу мактуб – ватанпарварлик сабоғи, бу мактуб – авлодлар олдидаги масъулият, бу мактуб – набиралар қалбига ташланган оташ, учқун. У гулханга айланади. Чунки болалар ўта сезгир бўлади. Улар яхши ва ёмон гапни дарров ажратади, яхшиликка, эзгуликка тез эргашади.

Мен Президентимиз мактубини тугалланмаган мактуб деб ўйлайман. Чунки у



Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

кишининг ҳали авлодларга айтадиган дил сўзлари кўп. Улар учун яратадиган имкониятлари кўп, бунинг учун фақат вақт бўлиши керак.

Набирасини севган, эъзозлаган бобо Ватанини ҳам, миллатини ҳам яхши кўриши, шубҳасиздир.

ЭЗГУ ТИЛАК МУНДАРИЖАСИ

ёхуд осмон бағрида битилган мактуб ҳақида ўйлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу кунларда эълон қилинган “Суюкли набирам Шавкатбекка парвоз давомида битилган мактуб”ини ўқир эканман, ундаги орзу-мақсадлар ва хавотирлар бугунги замонда ҳар бир ота, бобо қалбида жўш ураётган фикрлар мундарижаси эканини англадим.



Беҳзод ҚОБУЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Ўйлайман. Нега давлат раҳбари ўз ҳаёт фалсафаси ҳақида набирасига – кенг маънода миллат болаларига махсус изоҳ-мактуб битишга маънавий эҳтиёж сезди? Шу кунларда нима учун бу мактуб фавқулодда долзарб? Айниқса, “парвоз давомида” деган қанотли ибора янада чуқурроқ ўйлашга, жўшқин ва изчил, қатъий ислоҳотлар даври феноменини англашга ундайди.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, биз барчамиз бугун, том маънода, Шавкат Мирзиёевнинг ислоҳотлари туфайли барча соҳаларда парвоз завқи ва маҳобатини ҳис этмоқдамиз. Ҳар куни фан, спорт, саноат, қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларда улкан ютуқлар хушхабарини эшитишга қулоғимиз ўрганиб қолди. Мабодо бирон халқаро мусобақада Ўзбекистон иккинчи ўринни олса, бироз оғринадиган бўлиб қолдик. Бу – қанчалар тотли кайфият ва ғурур эканлигини кекса авлод яхшироқ тушунади. Ўн йил аввал бошланган ва тобора юксакларга чоғланаётган бу парвоз қудрати ва ҳайбатини бугун дунё ҳис этмоқда.

Узоқ сафар чоғида, осмон бағрида битилган бу самимий сатрлар фақат Президентимизнинг суюкли набирасига айтган сўзлари эмас. Муаллифнинг таъкидлаганидек: “Менинг ўз насиҳатларим Ўзбекистоннинг барча болаларига бағишланган эзгу тилаклардир”. Мактубда бугунги кун ёшлар сиёсати учун дастур бўладиган жиддий фикрлар айтилган. Ҳар бир бобо ўз набирасига айтадиган, айтиши керак бўлган, баайни юракдаги гаплар бўлибди. Мактубда буюк аждодларимиз номлари бежиз тилга олинмаган. Бобо набирасига улар қолдирган меросни эслатар экан, ҳар бир ўзбек фарзанди ана шундай улуғ зотларнинг вориси ва бу ворисликка муносиб бўлиш эса катта масъулият эканини уқтиради.

Ўз навбатида, ҳар бир давр авлодлар олдига янги муаммолар, вазифа ва мақсадлар қўяди. Йигирманчи аср манзараларига назар ташласак, дастлаб миллий уйғониш, сўнгра мустақиллик орзуси халқимиз қалбида асранган ғоя эди. Тузум қиличини сермаб турар экан, донишманд халқимиз қайта-қайта ниҳоллар экаверди, боши олинган битта ниҳол ўрнида ўнта янги кўчат ўтқазди. Жадидлар бошлаган бу шонли йўл барибир ўз самарасини берди. Воқеалар ўзани халқимизни миллий истиқлол сари етаклади, мустақиллик ғояларини тушунадиган, қадрлайдиган илмли, ўқимишли авлод билан 90-йилларни бошладик. Хўш, энди-чи? Бугун миллатимиз ёшларининг асосий ғоя-мақсади нима бўлиши керак? Менимча, бу саволга жавобни мактубнинг ўзидан топамиз.

Мактубдаги мана бу ўгит бугунги куннинг энг долзарб масаласига дахлдор: “Замонавий гаджетлар ва сунъий интеллектдан унумли фойдалан, аммо уларга қарам бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл!” Рақамли макон муаммоларини ўрганиб юрган илмий тадқиқотчи сифатида айтишим мумкинки, бу – айни ҳақиқат. Технология инсонга хизмат қилгандагина неъматдир. Инсон технологиянинг қулига айланса, у энг катта хавфга айланади. Бу ўгит ҳар бир оила, ҳар бир мактаб учун дастуриламал бўлиши лозим. Сунъий интеллект даврининг энг улкан хатари шуки, муайян комфорт эвазига, тафаккурда улкан жарлик ҳосил бўлади. Айниқса, болаларга турли жозибадор усул ва иловалар орқали, образли айтганда, шакарга қорилган заҳар “едирилаётгани”, анъанавий дидактик методлар, қонун-қоидаларнинг бу даврга “тиши ўтмаётгани” жиддий масаладир. Афсуски, бунинг тайёр панзаҳари йўқ. Ягона илинж ва умид – бобо сўзида.

Шу маънода, илғор ўзбек зиёлилари томонидан “Боболар изидан”, “Бобосўз” сингари атамалар кейинги йилларда фаол истифода этилаётгани, китоблар чоп этилиб, илмий сафарлар уюштирилаётгани бу ғоялар – миллат оталарининг якдил фикри эканини билдиради.

“Ҳаётдаги энг катта ютуқ ҳеч қачон йиқилмасликда эмас, балки йиқилган тақдирда ҳам ўзида куч топиб қайта тура билишдадир”, деган фикр эса ҳар бир инсон учун ҳаётий шиор бўлиш зарур. Ҳаёт синовларсиз бўлмайди. Муҳими, синовлар олдида эгилмаслик, қайта қадни тиклай билишда. Бобо сўзи, бобосўз шундай бўлади.

Ниҳояти, бу мактуб оталар ва боболарга аталган бир даъват ҳамдир. Қандайдир юмушни, муҳим вазифани рўкач қилиб болаларга вақт ажратмаётган, ажратолмаётган, виртуал оламга муккасидан кетган одамларга қарата, аслида, энг муҳим вазифа нима эканига оид бир эслатмадир. Президент вақт ажратяпти, мактуб ёзяпти, сен не баҳона қиласан, дедим ўзимга ўзим.

Зеро, боболар ўгити халқнинг тарих қаъридан келадиган, минг йиллар давомида пишиб-етилган буюк орзуларига қанот бағишлайди! Уни қалбига жо этган авлод ҳеч қачон йиқилмайди, йиқилса ҳам қайта қаддини тиклайди!

ГЛОБАЛ ДИПЛОМАТИЯ ВА АВЛОДЛАРГА ХИТОБ

Бошланиши 1-саҳифада.

Бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари пировардида оддий инсонларнинг даромадини кўпайтиришга, уларнинг ўз ҳаёти ва келажагига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ТАРИХИЙ БУРИЛИШ

23-24 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигига давлат ташрифи нафақат икки томонлама муносабатларда, балки бутун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ интеграциясида тарихий бурилиш ясади.

Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайн билан ўтказилган самарали музокаралар якунида давлатлараро муносабатлар расман “Стратегик шериклик” даражасига кўтарилди. Шу тариқа, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги ишончли ҳамкори сафи яна битта нуфузли араб давлати билан кенгайди. Бундан ташқари, ташриф доирасида савдо, тоғ-кон, кимё, сув хўжалиги, рақамлаштириш ва ҳудудлараро алоқаларни қамраб олувчи 19 та муҳим ҳужжат имзоланди. 300 турдаги товарга божларни пасайтирувчи Имтиёзли савдо битими ўзаро товар айирбошлашни яқин вақтда 500 миллион долларга етказиш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

МИЛЛАТ ЭРТАСИ ВА АВЛОДЛАР БАХТИ УЧУН

Ҳафта ичидаги энг таъсирли, ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагидан чуқур жой олган воқеа – Президент Шавкат Мирзиёевнинг Иордания сафари чоғида, самолёт бортида ўз набирасига йўллаган самимий мактуби бўлди.

Бир қарашда меҳрибон бобонинг жигарбандига билдирган оилавий дил сўзларидек кўринган бу битик аслида жамият, миллат келажаги, илм-маърифат ва тарбиянинг фундаментал қадриятлари ҳақидаги чуқур фалсафий мушоҳадага айланди. Савол туғилади. Нега бу мактуб бутун халқимиз қалбида бу қадар кучли акс садо берди? Энг аввало, юксак парвоз давомида, оғир геосиёсий вазифалар ва давлат ишлари масъулияти орасида ёзилган бу сўзлар Давлат раҳбарининг келажакни фарзандларимиз тимсолида кўрувчи қалби уйғоқ инсон, фидойи устоз эканини яна бир карра намоён этди. Мактубдаги бош ғоя – камолотга фақат илм-фан, китоб мутолааси, ҳалол меҳнат ва маърифат билангина эришиш мумкинлиги ҳақидаги ҳаётий фалсафадир.

Бугун мамлакатимиз зиёлилари, олимлар ва кенг жамоатчилик Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида “Миллий юксалишни нимадан бошлашимиз керак, бош мезон нима бўлиши лозим?” деган савол устида қизғин баҳс-мунозаралар олиб бормоқда. Айни шундай муҳим паллада Миллат етакчисининг самимий мактуби бутун бир миллатга, авлодларга стратегик дастуриламал ва маънавий манифест сифатида жаранглади.

Мактубнинг энг таъсирли жиҳати унинг самимиятида. Болаликка хос соғинч билан берилган “бобожон, қачон келасиз, нега кўп сафар қиласиз?” деган беғубор саволга Давлат раҳбари сиёсий дипломатиянинг энг олий мақсадини содда ва ҳаётий тилда тушунтириб беради. Сафарлар – халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва ёшларнинг эртанги ёруғ келажаги учун янги имкониятлар яратиш йўлидаги тинимсиз машаққатли меҳнатдир. Зеро, ҳар бир қўшимча сармоя ва экспорт янги иш ўринлари, юқори маош ва хонадонлар тўкинлиги демакдир. Мактубнинг ғоявий ўзагида турган “Эл дардига дармон бўл, эл корига яра!” деган даъват иқтисодий сиёсатнинг инсонпарвар моҳиятини очиб беради.

Президентимизнинг пахта далаларида кечган болалик йиллари ҳақидаги хотиралари мамлакатимиз ҳаётида юз берган муҳим ижтимоий ўзгаришларни англашга ундайди. Бир пайтлар болаликнинг бетакрор, тансиқ паллалари қоқировли далаларда ўтган бўлса, бугун болажон сиёсат туфайли таълим олиш, истеъдодни намоён қилиш ва замонавий билимларни эгаллаш учун мукаммал шароит яратиш ислоҳотимизнинг устувор йўналишига айланган.

Мактубда Имом Бухорийнинг ҳадис саралашдаги верификация услуби, Берунийнинг ер радиусини ҳисоблашдаги эмпирик аниқлиги, Улуғбекнинг фалакиётдаги математик моделлари ва Ибн Синонинг тажрибавий тиббиёти ёдга олингани улкан рамзий маънога эга. Бугунги Big Data (катта маълумотлар) ва сунъий интеллект асрида аждодлар меросига бундай назар ташлаш ёшларга муҳим сабоқ беради. Интернет ва ижтимоий тармоқлар инсоннинг вақти ва диққатини ўғирлаётган даврда фақат мустақил ва танқидий тафаккурга эга бўлган ёшларгина ғалаба қозонади. Сунъий интеллект инсоннинг меҳнатини енгиллаштириши мумкин, аммо у инсон қалби, ижодий иқтидори ва ахлоқий масъулияти ўрнини боса олмайди.

Бобонинг ўз набирасига тил ўрганиш, китоб ўқиш ва мустақил фикрлаш ҳақидаги ўгитлари рақамли асрда миллий маънавиятни сақлаб қолишнинг бош иммунитетидир. Мактубнинг кульминацион нуқтаси – “Бобожон, сизга нима етмайди?” деган саволга берилган “Вақт етмайди, вақт!” деган жавобдир. Президентнинг ўз бедор тунларини эслаши ёшларни ҳар бир сониянинг қадрига етишга ундайди.



Бугун миллий ўзлик масаласи долзарб мавзуга айланган бир пайтда илмли бўлиш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, вақтнинг қадрига етиш ҳақида куюнчаклик билан битилган ушбу мактуб келажак авлодларга ҳам Ўзбекистон раҳбарининг армонлари, орзулари, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлидаги заҳматли меҳнати акс этган қалб дафтаридаги энг гўзал битик бўлиб қолади.

Мактуб сўнгидаги муборак дуо ҳар биримизнинг эзгу ниятимиздир.

Фарзандларимиз камоли – миллат камоли, уларнинг саодати эса Янги Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболидир!

Иқбол МИРЗО

РЕСПУБЛИКА ЗИЁЛИЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Энг муҳими, юртимиздаги тинчлик, миллатлар, динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, дунёга очиқлик, турли мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик нақадар бебаҳо бойлик, тенгсиз имконият эканини барчамиз теран англаб етмоқдамиз.

Албатта, халқаро майдондаги вазият тобора кескинлашиб, глобал миқёсда савдо-иқтисодий алоқалар, таъминот занжирлари узилаётган, манфаатлар кураши авжига чиқаётган, баъзи минтақаларда қуролли ихтилофлар, тўқнашувлар кучайиб бораётган ҳозирги ғоят таҳликали замонда мамлакатимизни ортга қайтмас ислоҳотлар йўлидан дадил олдинга бошлаб, ўзгаришлар муваффақиятини, уларнинг изчил давомийлигини таъминлаш осон бўлаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонимизнинг миллий тараққиёт стратегиясини ҳар томонлама тўғри танлаб, узоқни кўра билиб, донишмандлик ва қатъий ирода билан юритаётган одилона, халқчил сиёсати дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан жойларда бевосита мулоқот қилар экан, ҳамиша “Бизнинг кучимиз – бирликда, ҳамжиҳатликда”, деган фикрни алоҳида таъкидлаб келади. Дарҳақиқат шундай: биз бир бўлсаккина, ҳар қандай муаммони ҳал қилиш, ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодирмиз.

Дарвоқе, бугунги масъулиятли, синовли давр мамлакатимиз зиёлиларидан янада фаол, янада ташаббускор бўлишни талаб этмоқда. Жорий йил 10-14 ноябрь кунлари мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида зиёлилар кенгашининг ҳудудий йиғилишлари ўтказилгани ана шу ҳаётий эҳтиёж маҳсулидир.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан ҳал этганини бежиз таъкидламаган. Зиёлилар кенгаши тимсолида ҳам ана шу кўп асрлик тарихий анъана қайта уйғонди.



“Янги Ўзбекистон зиёлилари – миллий юксалиш таянчи” шиори остида ўтказилган ҳудудий йиғилишларда 1600 нафар зиёли – олимлар, адиблар, санъаткорлар, ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Қизғин баҳс-мунозара, жонли муҳокама тарзида ўтган анжуманларда ёшларимиз, хотин-қизларимиз ҳам фаол иштирок этгани эътиборга моликдир. Қувонарлиси, қалби уйғоқ зиёлиларимиз баландпарвоз ғояларни эмас, балки жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эга масалалар юзасидан ҳаётий ечимларни таклиф этдилар. Ҳудудий босқичларда 3000 дан зиёд фикр-мулоҳазалар билдирилди. Республика йиғилишига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 210 нафар, пойтахтдаги илм ва ижод дарғаларидан эса 290 нафар вакил қатнашди. Уларнинг энг ёши – 17, ёши энг улуғи эса 88 ёшда. Ушбу рақамлар жамиятимизнинг барча қатламлари – ёшу қари, эркагу аёл Ватан тақдирига дахлдорлигини теран ҳис этаётганидан далолат беради.

Куни кеча эса пойтахтимизга кўрк бериб турган муаззам мажмуа – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида Республика зиёлилари кенгашининг илк йиғилиши иш бошлади. 500 нафар делегат иштирок этаётган анжуманда мамлакатимиз тараққиётининг ғоявий, маънавий-ахлоқий, илмий, иқтисодий ва ижтимоий асослари муҳокама этилмоқда. Кенгаш якунида миллий ўзлик ва фуқаролик масъулияти, ватанпарварлик ва жамият бирдамлиги, тарбия ва ёшлар, она тили ва адабиёт, тарихий хотира ва ҳуқуқий тафаккур, маданият ва санъат, илм-фан ва таълим каби еттита йўналишда пухта таклиф, амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ҳамда мамлакатимиз ҳукуматига тақдим этилади.

Миллат ойдинлари ҳамиша халқимизнинг маънавий устуни бўлиб келган. Зиёли дегани фақат диплом, унвон ёки илмий даражага эга бўлишни англатмайди. Бу мақомнинг салмоғи оғир, масъулияти улкан. Зиёли – халқнинг уйғоқ виждонидир. У жамиятдаги маънавий бўшлиқларни илму маърифат билан тўлдиради, халқ қалбига нур, ёруғлик олиб киради.

Мамлакатимизда зиёлиларнинг мақоми, нуфузи юксалиши билан бирга уларнинг маънавий вазифаси ҳам ортиб бормоқда. Эндиликда зиёлиларимиз ўз соҳасида етук мутахассис бўлиб қолмай, ташаббускорлик, ижтимоий фаоллик, фидокорлик ва фаол фуқаролик позицияси билан ҳам барчага намуна бўлиши керак.

Президентимиз Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги тантанасида келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даври деб эълон қилди. Ушбу мақсад йўлида ўтита миллий дастурни амалга ошириш вазифаси белгиланди. Мамлакатимизни фаровон, шаҳару қишлоқларимизни чароғон этишга хизмат қилувчи бу ҳаётий дастурни амалга оширишда улар давлатимизга таянч бўлмоғи лозим.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимиз иқтисодий жабҳада улкан ютуқларга эришганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Тарихий ўзгаришларга барчамиз гувоҳмиз. Энди олдимизда иқтисодий юксалишни маънавий ўсиш, ахлоқий камолот ва илмий тараққиёт билан муштарак этишдек долзарб вазифалар турибди. Зеро, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар қўш мустаҳкам устун – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянади.

Жамиятнинг турли жабҳаларида эришаётган ютуқларимиз бардавомлиги қайси соҳада фаолият юритаётганидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизнинг ўз ишига виждонан ва чуқур масъулият билан ёндашиши, касбий вазифасини юқори савияда адо этишига боғлиқ. Мухтасар айтганда, Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат – тараққиётимизнинг бош гаровидир.

Лоқайдлик, бефарқлик мамлакат равнақи йўлида улкан тўсиқ экани сир эмас. Агар ҳар биримиз “менга нима” деган эскича қарашни енгиб, ён-атрофимиздаги жараёнларга бевосита дахлдорлик ҳисси билан яшасак, ҳеч қандай куч бизларни тўхтата олмайди.

Мамлакат тараққиёти фақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки технологик ютуқлар билан ўлчанмайди. Миллатни миллат қилувчи энг қудратли куч – унинг миллий ўзлигидир. Бинобарин, ўзлигимизни, қадриятларимизни замонавий тафаккур ва илм-фан билан уйғунлаштириш кечиктириб бўлмас вазифалар сирасига киради.

Юксалиш сари дадил одимлаётган ҳар бир миллат “Мен кимман?”, “Қаерга кетяпман?” каби саволларга жавоб топмоғи лозим. Ушбу залворли саволлар нафақат биз – зиёлилар, балки мамлакатимиз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизни ўйлантириши керак.

Ҳурматли юртдошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Азиз ёшлар!

Биз – Ўзбекистон зиёлилари барча юртдошларимиз каби қандай эзгу иш қилсак, уни, аввало, она халқимизнинг бахти ва келажаги, Ватанимиз манфаатини кўзлаб амалга оширамиз. Биз ҳаётимиз, ижодимиз ва ижтимоий фаолиятимизни ҳеч қачон халқимиз ва Ватанимиздан айро тасаввур этолмаймиз. Бизнинг ўй-фикримиз, қалбимиз ва тафаккуримиз, яратган асарларимиз, илмий кашфиётларимиз, жонажон халқимиз, Ватанимизнинг бебаҳо маънавий мулкидир. Халқ ва Ватан – бизнинг таянчимиз ва суянчимиздир.

Агар ҳар биримиз “Миллати, тили ва динидан қатъи назар, орамизда бегона одам йўқ, барчамиз – ягона Ватан фарзандларимиз” деган шиор билан яшаб, мавжуд камчиликларни биргаликда, ақл ва билим билан бартараф этсак, имкониятларимиз янада ортиб, ютуқларимиз бардавом бўлади.

Зиёлилар кенгаши ўтаётган муҳташам Ислом цивилизацияси марказининг Мирзо Улуғбек дарвозаси пештоқига муқаддас Қуръони Каримнинг “Иқро!”, яъни “Ўқи!” деган ояти битилган. Бу ўлмас даъват ҳамма замонларда ҳам билим ва маърифат нажоткор куч сифатида ҳар бир миллатнинг толеини баланд этажагини эслатиб туради.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар меъмори бўлган улуғ халқимиз бугун юксак азму шижоат билан Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этмоқда. Ушбу шарафли йўлда энг яхши ҳамроҳ билим, билим ва яна бир карра билим эканини унутмайлик!

Ҳар биримиз бугунги шиддаткор даврга ҳамқадам бўлиб, дунёқарашимизни ўзгартиришимиз, онгу тафаккуримизни эскича қарашлар, тараққиётга тушов бўладиган хурофотлардан бутқул халос этишимиз шарт. Зеро, улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат уқтирганидек, “Мия ўзгармагунча, бошқа ўзгаришлар негиз тутмас”.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Кўп миллатли халқимизни боқий ришта – умумий тарих, муштарак эътиқод ва ягона Ватан боғлаб турибди. Янги Ўзбекистонда “Бизнинг кучимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда” деган эзгу ғоя асосида яратилган миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг ноёб моделини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Қадрли ватандошлар!

Бугун юртимизда зиёлилар ҳаракати чинакам амалий кучга эга бўлмоқда. Юксак ишончни оқлаган ҳолда, бор куч-ғайратимиз, илмий-ижодий салоҳиятимизни Ватан равнақи, эл фаровонлигига сафарбар этишга шаймиз. Миллат ва давлат якдил бўлса, барчамиз Президентимиз атрофида бирлашсак, бизни дунёда ҳеч қандай куч енга олмайди.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон зиёлилари кенгаши миллат фидойиларининг овози дадил янграйдиган, фикр-ғоялари давлатимиз ривожига ижобий таъсир кўрсатадиган жиддий платформага айланади.

Азизлар, миллий юксалиш биносини барчамиз биргаликда яратайлик!

Янги Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий қудратини бутун дунёга намоён этайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ КЕНГАШИ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 24 ноябрь

ЗИЁЛИЛАР КЕНГАШИ

ТАКЛИФ АМАЛИЁТГА АЙЛАНСИН!



Отабек ҲАСАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ҳар бир халқнинг тарихида шундай кунлар бўладики, улар кейинчалик бир давр бошланган сана сифатида эсланади. 2026 йилнинг 23-24 ноябрь кунлари ана шундай кунлар қаторига киришига ишонаман. Тошкентдаги Ислом цивилизацияси марказида мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ташкил этилган Ўзбекистон зиёлилари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг шиори: “Янги Ўзбекистон зиёлилари – миллий юксалиш таянчи”. Эътибор беринг: биринчи марта. Мустақилликнинг 35 йили давомида турли соҳа вакиллари кўп бор йиғилган, анжуманлар ўтказилган. Лекин олим ва муаллимни, ёзувчи ва шифокорни, санъаткор ва блогерни ягона мулоқот майдонида, доимий фаолият юритадиган тузилма атрофида бирлаштириш – илк бор.

НИМА УЧУН БУ ЙИҒИЛИШ МУҲИМ?

Кенгаш бирданига пайдо бўлгани йўқ. Унга тайёргарлик доирасида 10–14 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий мулоқотлар ўтказилди. Уларда 2 мингга яқин зиёли иштирок этди, 3 мингдан ортиқ фикр-мулоҳаза ва мингга яқин таклиф билдирилди. Республика йиғилишида эса 500 нафар зиёли қатнашди. Кенгашнинг 7 та шўъбасида миллий қадриятлар, ватанпарварлик ва ҳамжиҳатлик, оила ва ёшлар тарбияси, ўзбек тили ва китобхонлик, тарихий хотира, маданият ва санъат, илм-фан ва таълим масалалари муҳокама қилинди. Шўъбаларда бир кун ичида 394 та таклиф илгари сурилди.

Рақамлар ортида нима турибди? Олис қишлоқдаги муаллим, вилоят университетидаги олим, туман кутубхонасидаги кутубхоначи, ёш шоир ва таниқли шифокор. Улар бир залда, бир мақсад атрофида ўтирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг: “Тарихдан маълум, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар”, деган сўзлари бугун ўз ғояси, таклифи, ташаббуси билан юрт равнақи, халқ фаровонлигига ҳисса қўшаман, деган ҳар бир зиёли қалбида ғайрат оловини ёқди.

Назаримда, Кенгашнинг аҳамияти учта жиҳатда кўринади. Биринчидан, у давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотнинг янги босқичидир. Энди зиёлининг фикри фақат газета саҳифасида ёки анжуман минбарида қолмайди, давлат қарорларига таъсир этадиган механизмга эга бўлади. Иккинчидан, Кенгаш мамлакатнинг илмий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини бирлаштиради. Бир ҳудудда ечимини кутаётган масала бўйича бошқа ҳудудда синовдан ўтган тажриба бўлиши мумкин. Улар энди бир-бирини топади. Учинчидан, Кенгаш маънавий тараққиётнинг узоқ муддатли йўлини белгилашга хизмат қилади. Инсон қадри, адолат, тинчлик ва қонун устуворлиги атрофидаги бирдамликни мустаҳкамлаш – унинг асосий мақсадларидан биридир.

Ялпи мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, академик Шавкат Аюпов муҳим бир фикрни айтди: “Бугунги учрашувимизнинг моҳияти ҳам ана шу кўп асрлик қадрият ва анъаналарнинг Янги Ўзбекистонда қайта татбиқ этилишидир”. Ялпи мажлис якунида шўъбаларнинг ҳисоботлари тингланди, Кенгаш Аҳдномаси муҳокама қилинди ва Кенгашнинг мамлакат зиёлиларига мурожаати ўқиб эшиттирилди.

ЖАДИДЛАР МАКТАБИ: СЎЗДАН ИШГА

Кўп асрлик анъана ҳақида гапирганда, жадид боболаримизни эсламаслик мумкин эмас. Бундан бир аср муқаддам ҳам халқимиз тарихий бурилиш нуқтасида турган эди. Ўшанда жадидлар зиёлининг вазифаси нимадан иборатлигини ўз ҳаёти билан кўрсатиб бердилар. Улар халқни ёмон аҳволда деб нолиш билан чекланмади. Иш бошлади. Бири мактаб очди. Бошқаси дарслик ёзди. Учинчиси газета воситасида халқни уйғотди.

Мақсад битта эди – халқни илм-маърифат орқали юксалтириш. Авлонийнинг машҳур сўзларини эслайлик: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Беҳбудий эса “Ҳақ берилмас, ҳақ олинур”, деган эди. Мен бу фикрга бугун шундай қўшимча қилган бўлардим: маърифат ҳам шунчаки берилмайди, у меҳнат билан олинади ва меҳнат билан узатилади.

Жадидлардан бизга қолган энг катта сабоқ – зиёлининг сўзи амалга айланиши керак. Зиёлининг сўзи таклифга айланмаса, у шунчаки нолишдир. Жадидлар бошлаган йўл давом этмоқда. Кеча – улар. Бугун – биз. Эртага – фарзандларимиз.

ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР

Ялпи мажлисда сўзга чиққан зиёлиларимиз амалий таклифларни дадил ўртага ташлади. Уларнинг ҳар бири ҳаётий кузатувдан туғилган.

Хоразмдан ташриф буюрган шоира ва олима Сайёра Самандар бир муаммони очиқ кўрсатди. Йил давомида маънавий тадбирлар, буюк аждодларимиз ва арбобларимизнинг таваллуд кунлари ҳар бир вилоятда ҳар хил вақтда ва ҳар хил шаклда ўтказилмоқда. Унинг таклифи оддий ва аниқ: ягона йиллик маънавий тақвим керак. Шунда ҳар бир зиёли ўз йиллик режасини олдиндан тузиб олади. Мен бу таклифни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Режасиз ўтказилган тадбир тадбирбозликка айланади. Тақвим эса тарқоқ ишларни ягона тизимга бирлаштиради.

Блогер, “Qurultoy” ва “Dervish_nod” лойиҳалари асосчиси Нодирбек Нишонов интернет оламидаги бошқа бир масалани кўтарди. Тарих ва адабиёт бўйича сифатли ҳужжатли контент тайёрлаш учун малакали мутахассислар керак, бу жараён эса қиммат. Шу боис, у Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида ижтимоий лойиҳалар учун грантлар ажратишни таклиф қилди. Савол туғилади: бугун ёшларимиз тарихни қаердан ўрганяпти? Кўпинча ижтимоий тармоқлардан. Демак, тармоқда сифатли миллий контент бўлмаса, бу бўшлиқни бошқалар тўлдиради.

Қорақалпоқ давлат университети сиёсатшунослик ва маънавият асослари кафедраси мудири Алмагул Байриева эса зиёлиларнинг маҳалла ҳаётидаги ўрнини оширишга чақирди. У бир мисолни эслатди: бир пайтлар Эркин Воҳидов яшаган маҳаллада барча тадбир ва ишларга шоирнинг ўзи бош бўларди, ҳамма ундан маслаҳат сўрарди. Бу мисолда катта ҳақиқат бор. Зиёли маҳалланинг меҳмони эмас, унинг маънавий таянчидир.

ТАКЛИФЛАР БАЁННОМАДА ҚОЛМАСИН

Ялпи мажлис якунида сўз олдим. Аввало, бир ҳақиқатни очиқ тан олиш кераклигини айтдим. Олдинги йилларда ҳам кўп анжуманлар ўтказдик, яхши фикрлар айтилди. Айрим таклифлар эса баённомада қолиб кетди. Муаллиф ўз таклифи кўриб чиқилдими, у бўйича қандай қарор қабул қилинди – билмай қолди. Олис қишлоқдаги бир муаллимни кўз олдингизга келтиринг. У 30 йил давомида болаларда китобга меҳр уйғотиб келган. Бир куни шу тажрибасига таяниб, бошқа мактабларга ҳам фойдаси тегадиган таклиф беради. Орадан вақт ўтади, муаллим эса жавоб олмайди. Кейинги анжуманда у яна фикр билдиришни хоҳлайдими? Ишонч ана шундай ҳолатларда сусаяди. Шу боис, таклиф берган ҳар бир инсонга унинг фикри қандай кўриб чиқилгани ва кейин нима бўлишини айтиш керак. Шу мақсадда Кенгаш эътиборига бешта таклифни ҳавола этдим.

Биринчи таклиф – “Янги Ўзбекистоннинг устувор қадриятлари ҳамда маънавий-маърифий стратегияси”ни ишлаб чиқиш. Бу ишни “Қадриятлар хартияси” лойиҳасидан бошлашни таклиф қилдим. Масалан, инсон қадри ҳақида гапирганимизда, бу қадрият мактабда боланинг фикрини эшитишда, давлат идорасида эса фуқаронинг мурожаатини жиддий кўриб чиқишда намоён бўлади. Ҳудудларда қайси масала қандай ҳал қилингани ва қайси усул самара бергани миллий атласга жамланади. Марказ олимлар, устозлар, ижодкорлар ва маҳалла фаоллари билан бирга Хартиянинг дастлабки лойиҳасини тайёрлаб, Кенгаш аъзолари муҳокамасига тақдим этишга тайёр.

Иккинчи таклиф – “Миллий тарбия модели”ни ишлаб чиқиш. Мактабда болага тарбия ва таълим берамиз. Маҳаллада эса у ўз ташаббуси билан кутубхонани обод қилишга ёки қўшнисига ёрдам беришга ҳисса қўшса, ўрганганининг қадрини амалда англайди. Бунинг учун оила, маҳалла ва таълим муассасалари тарбияда бир-бирининг ишини давом эттириши керак. Мақсадимиз – жамият ҳаётида фаол қатнашадиган авлодни тарбиялаш ва “Инсон қадри, бирдамлик ва фаровонлик учун!” ғояси атрофида бирлашиш.

Учинчи таклиф – Кенгашда билдирилган таклифларни амалга ошириш ва натижаси бўйича ҳисоб бериш тартибини йўлга қўйиш; 7 та шўъбада билдирилган таклифларни 15 та устувор йўналиш бўйича умумлаштириб, “Йўл харитаси” лойиҳасини тайёрлаш. Марказ негизида Кенгашнинг лойиҳа офиси ташкил этилади, таклифлар электрон реестрга киритилади. Олис қишлоқдаги ўша муаллим ҳам ўз таклифи кимга юборилгани, у бўйича қандай қарор қабул қилингани ва иш қайси босқичда эканини билиб туради. Кейинги Кенгаш эса бугунги таклифлар бўйича ҳисоботдан бошланади.

Тўртинчи таклиф – “Бир халқ – бир ёзув” ташаббусини ўзимиздан бошлаш. Китобхон алифбони ҳар куни қўлига оладиган китобида, газета ва журнал саҳифаларида кўради. Шу боис, 2026 йил 1 декабрдан бошлаб “Маънавият” нашриётида ўзбек тилида чиқадиган барча янги китобларни янги алифбода чоп этишни таклиф қилдим. Газета ва журнал таҳририятларини, бошқа нашриётлардаги ҳамкасбларимизни ҳам бу ташаббусга қўшилишга чақирдим.

ЗИЁ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Кенгаш очилган кунлари Президентимизнинг Иорданияга давлат ташрифи чоғида набираси Шавкатбекка ёзган мактуби эълон қилинди. Мактуб сўнгида шундай сатрлар бор: “Менинг ўз фикрларим юртимиздаги ҳар бир бобо ва ота, ҳар бир буви ва онанинг ўз азиз дилбандларига атаган юрак сўзларидир. Менинг ўз насиҳатларим Ўзбекистоннинг барча болаларига бағишланган эзгу тилаклардир”. Демак, бу мактуб бутун ўзбек халқининг фарзандларига аталган.

Очиғини айтсам, мен бу мактубни уйда фарзандларимга ўқиб бердим. Биз, зиёлилар, уни ўз фарзанд ва набираларимизга, маҳалламиздаги ёшларга ўқиб берсак, сўнг ўз ҳаётимиздан мисол келтириб суҳбатлашсак, қандай яхши бўларди! Чунки буйруқ тарзида айтилган гап қулоқдан ўтиб кетади, меҳр билан айтилган гап эса қалбга етиб боради.

ЭНДИ НАВБАТ БИЗДА

Давлатимиз раҳбари маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши кераклигини бир неча бор таъкидлаган. Мен бу фикрни шундай тушунаман: биз, зиёлилар, ёшларимизнинг саволларини ўз вақтида эшитишимиз ва жавоб излашда уларнинг ёнида бўлишимиз керак.

Бугун Кенгаш резолюциясида устувор ташаббуслар белгилаб олинади. Лекин ҳар биримиз ўзимизга бир савол беришимиз керак: шу ташаббуслардан қайси бирига мен ўз ҳиссамни қўша оламан? Айрим ишларни Кенгашдан қайтишимиз биланоқ бошлашимиз мумкин. Кейинги учрашувимизда бугун айтилган таклиф асосида қайси мактабда, қайси маҳаллада ёки қайси ижодий жамоада нима ўзгарганини аниқ мисоллар билан айта олайлик.

Зиёлининг сўзи таклифга, таклифи ишга айлансин. Ана шунда Кенгаш тарихда биринчи бўлибгина эмас, самара жиҳатидан ҳам биринчи бўлади.

Миллат руҳиятини англаш:

“Абай йўли”дан “Ўткан кунлар”га, ундан “Ялдо кечаси”га қадар

Бир халқнинг тақдирини англаш учун баъзан уч асрлик тарихни ўрганишдан кўра, бир романни бутун онгу тафаккуринг билан мутолаа қилиш кифоя.

Шундай китоблар бор: ўқиб тугатасан-у, жавонга қўясан. Яна шундайлари борки, муқовасини ёпганинг билан, улар сенинг қалбингда яшашда давом этади. Гўё асарни қайта-қайта ўқиётгандек ўша воқеалар ичида яшаб қоласан. Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асарини Осмонов таржимасида ўқиганимда ҳам ана шундай ҳолга тушган, асар дунёсидан чиқиб кетолмаган эдим... Қаҳрамонлар билан хайрлашолмайсан, уларнинг тақдири хаёлингдан нари кетмайди. Уларнинг қайғуси ўз халқингнинг дардига, қувончи эса ўз элингнинг умидига айланиб, сен билган дунёнинг уфқларини кенгайтириб юборади. Бундай асарлар оддий адабий ижод маҳсули эмас. Улар – халқнинг маънавий паспорти, тарихий хотирасининг тирик гувоҳи, миллий қалб оламига очилган эшик.





Азиз БИЙМИРЗА ўғли,
Чингиз Айтматов номидаги Давлат ёшлар мукофоти лауреати,
“Даҳк” медали соҳиби,
манасчи

Хайриддин Султоннинг “Ялдо кечаси” (“Энг узун тун”) романини ўқиётиб, хаёлимдан айнан шу ўйлар кечди. Бизнинг юрт улуғларимизга замондош ва қисматдош бўлган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”идан бошланган бадиий оламнинг қайта жонланиб, янги даврнинг изтиробли тарихи сари давом этиши мени ёзувчининг маҳорати билангина ҳайратга солмади. Бу асар ўзбек халқининг маънавий тақдири, миллий хотираси, тарихнинг узилган ришталарини қайта боғлашга бўлган интилиши ҳақида чуқур ўйлашга ундади.

Мутолаа асносида ўзимга бир савол бердим: агар қозоқ халқининг руҳиятини, тарихий тафаккурини, инсоний юксаклиги ва ички зиддиятларини англаш учун Мухтор Авезовнинг “Абай йўли” романини ўқиш лозим бўлса, ўзбек халқининг қалб оламини теранроқ ҳис этиш учун Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и билан Хайриддин Султоннинг “Ялдо кечаси”ни ёнма-ён мутолаа қилиш керак эмасми? Менимча, бу шунчаки қиёс эмас. Бу – адабиёт орқали миллатни англашнинг ўзига хос бир йўли.

“Абай йўли” аллақачон бир шоирнинг таржимаи ҳоли доирасидан чиқиб кетган асардир. Абай тақдири орқали қозоқ даштининг бутун бир даври, уруғлар ўртасидаги муносабатлар, анъана билан янгиликнинг тўқнашуви, ҳокимият билан виждоннинг кураши, инсон ва жамият ўртасидаги азалий саволлар очилади. Абайнинг маънавий камолоти – қозоқ жамиятининг ўзлигини англаш жараёнининг бадиий ифодаси.

Бу романни ўқиган киши фақат Абайни таниб қолмайди. У қозоқнинг ўтовига киради, дашт шамолини ҳис этади, улуғ далада яшаган халқ донишмандлигининг қудратини ҳам, эски қарашларнинг оғир юкини ҳам англайди. Қозоқ жамиятининг ички дунёсини энди четдан кузатувчи сифатида эмас, унинг маънавий ҳаётига дахлдор инсон сифатида қабул қила бошлайди. Албатта, бир асар бутун бир миллат руҳиятини тўла-тўкис тушунтириб беролмайди. Ҳар бир халқнинг тарихи ҳам, табиати ҳам кўп қиррали. Аммо буюк роман ана шу ранг-баранглигини ҳис этишга йўл очади, миллатнинг ўзига ўзи бераётган энг теран саволларини эшитиш имконини яратади.

Ўзбек адабиётида ҳам, мен билган китоблар орасида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ана шундай бадиий юксакликка эришган асар ҳисобланади. Бу роман ўзбек жамиятининг тарихий тафаккурида чуқур из қолдирган. Унда муҳаббат қиссаси ортида жамият тақдири, оилавий муносабатлар замирида даврнинг ахлоқий қиёфаси, бир инсоннинг бахтсизлиги ортида эса бутун жамиятнинг фожиаси мужассам. Қодирий ўтмишни шунчаки ёдга олмайди. У ўтмиш нега фожиага айланганини англашга чорлайди. Қаҳрамонлар қисмати орқали ижтимоий парокандалик, эски қарашларнинг ҳукми, инсоний туйғулар билан жамият қоидалари ўртасидаги тўқнашувлар очиб берилади. Романнинг буюклиги ҳам шунда: у тарихни улуғлаш билангина чекланмай, ундан сабоқ олишга ундайди.

“Ўткан кунлар” ўзбек адабиётидаги дастлабки йирик реалистик романлардан бири сифатида эътироф этилади. Унинг бадиий оламида XIX аср Туркистон жамиятининг турмуши, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, муҳаббат билан бурчнинг тўқнашуви, инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилашига ғов бўлган эски қарашлар акс этади.

Отабек билан Кумушнинг қисмати икки инсон муҳаббати ҳақидаги ҳикоягина эмас. Бу – жамият ўзининг энг асл туйғуларини асрай олмаса, оқибат қандай бўлишини кўрсатувчи фожиа. Отабек янгича фикрлашга интилади. У ўз даврида яшаб туриб, шу даврнинг тор қолипларидан чиқишга уринади. Кумуш эса гўзаллик, нафосат ва инсоний покликнинг бадиий тимсолига айланади. Бироқ уларнинг шахсий бахти ижтимоий муносабатлар, оилавий анъаналар ва эски тушунчаларнинг оғир тазйиқига дош беролмайди.

Шу ўринда Қодирий қўяётган савол ниҳоятда кескин: урф-одат инсон бахтига хизмат қилиши керакми ёки инсон урф-одатнинг қурбони бўлиши лозимми? Бу савол фақат ўзбек халқи тарихига дахлдор эмас. У қирғизга ҳам, қозоққа ҳам, бутун инсониятга, айниқса, Марказий Осиё халқларига бирдек тегишли. Бизнинг халқларимиз тарихида ҳам инсон тақдири уруғ-аймоқнинг, жамиятнинг, ҳокимиятнинг ёхуд янгиланишни қабул қилолмаган қарашларнинг қурбонига айланган ҳоллар оз эмас...

Қодирий романига бугуннинг нигоҳи билан қайта мурожаат қилганда, яна бир ҳақиқат кўзга ташланади: миллий фожиа кўп ҳолларда фақат ташқи кучлар таъсири билангина изоҳланмайди. У жамият ичидаги ўзаро ишончсизликдан, ҳамжиҳатликнинг етишмаслигидан, эскирган тушунчаларга танқидий қарай олмасликдан ҳам юзага келиши мумкин. Шу маънода, “Ўткан кунлар” ўтмишнинг нафақат ёдгорлиги, балки, бугунги жамият учун ҳам кўзгудир. Адабиётнинг буюклиги шунда эмасми: у ўзгаларнинг хатоларини кўрсата туриб, бизни ўз хатоларимиз билан юзлашишга мажбур этади.

“Ўткан кунлар”ни ўқиган киши роман қаҳрамонлари билан хайрлашгандек бўлади. Аммо тарихда инсон тақдири китобнинг сўнгги саҳифаси билан тугамайди. Уларнинг фарзандлари, набиралари, ортидан келган авлодлар яшашда давом этади. Бир даврнинг жароҳати кейинги даврга кўчади. Бир авлоднинг умиди кейинги авлод зиммасидаги масъулиятга айланади.

Хайриддин Султоннинг 2025 йилда нашр этилган “Ялдо кечаси” романи шу жиҳати билан алоҳида қизиқиш уйғотади. Асар “Ўткан кунлар” охиридаги қисқа муаллиф изоҳига таяниб, Отабек ва Кумуш қисматидан кейинги авлодлар ҳаётига бадиий кўприк солади. Ёдгорбек, Озодбек ва Одилбек орқали ёлғиз бир оиланинг эмас, бир неча авлоднинг тақдири, ўзгариб бораётган тарихий шароитнинг инсон ҳаётига таъсири очилади. Бу аввалги роман қаҳрамонларини яна саҳнага олиб чиқишнинг ўзигина эмас. Бу – адабий мерос билан янги ижодий тафаккур ўртасидаги мулоқот. Қодирий очиб қолдирган тарих эшигидан Хайриддин Султон бошқа бир даврга қадам қўяди.

Мени, айниқса, ҳаяжонга солган жиҳат ҳам шу: бир ёзувчи қаламида туғилган бадиий дунё иккинчи адиб қўлида қайта нафас олиб, янги тарихий маконга кўчади. Бундай иш ижодкордан адабиётда камдан-кам учрайдиган улкан масъулиятни талаб этади. Зеро, буюк ёзувчи қаҳрамонларининг ҳаётини давом эттириш учун уларнинг исми ва тақдирини билишнинг ўзи етарли эмас. Улар яшаган оламнинг ички қонуниятларини, дардини, умидини, айтилмай қолган саволларини ҳис этиш зарур.

Хайриддин Султон бу вазифани ўз бадиий қарашлари асосида ҳал этишга интилади. Унинг романи Қодирий асарини алмаштирмайди, унинг ўрнини ҳам эгалламайди. Аксинча, “Ўткан кунлар”нинг бадиий оламини янги тарихий шароитда қайта идрок этиш имконини беради. Бу ерда бир муҳим жиҳатни аниқ айтиш керак: “Ялдо кечаси” Қодирийнинг ўзи ёзиб қолдирган давом эмас, Хайриддин Султоннинг мустақил бадиий асаридир. Шунинг учун уни “Ўткан кунлар”нинг давоми деб атаганда, адабий-маънавий ворислик ва бадиий мулоқот маъносини назарда тутган маъқул. Бу фарқ романнинг қадрини пасайтирмайди. Аксинча, ундаги ижодий жасорат ва адабий масъулиятни теранроқ англашга ёрдам беради.

Романнинг номидаёқ катта фалсафий маъно мужассам. “Ялдо кечаси” – йилнинг энг узун тунини англатувчи тушунча. Бироқ бадиий асарда тун тақвимдаги вақт чегарасидан чиқиб, халқ бошига тушган оғир замоннинг тимсолига айланади. Зулмат – қуёш йўқлигининг ўзигина эмас. У инсон эрки чекланган, жамият овози бўғилган, келажак хира тортган, ҳақиқат билан ёлғоннинг чегараси йўқолган даврнинг белгисидир. Туннинг узунлиги унинг неча соат давом этиши билангина эмас, инсон қалбига қанчалик оғир ботиши билан ҳам ўлчанади.

Агар бир авлод ўз тақдирини ўзи белгилаш имконидан маҳрум этилса, унинг туни узаяди. Агар халқнинг билимли, теран фикрли, янгиликка интилган фарзандлари ўз элининг келажаги учун курашиб, таъқибга учраса, бу тун яна ҳам узаяди. Агар жамият ўтмиш сабоқларини унутиб, ўз яраларини қайта-қайта янгиласа, зулматни энди тақвим билан ўлчаб бўлмайди.

Ўзбек элининг орзу-умидларини юрагига жо қилиб келаётган шоир дўстим Шаҳриёр Шавкатнинг айтишича, бугун Хайриддин Султон романига бағишланган адабий муҳокамаларда жадидчилик ҳаракати, миллий уйғониш, тарихий ҳужжатлар, ижтимоий ўзгаришлар ва бир неча авлод тақдирига алоҳида эътибор қаратилаётган экан. Ана шу жиҳатлар асарни бир оила қиссаси доирасидан олиб чиқиб, кенг тарихий майдонга олиб киради.

Жадидлар тақдири бу ерда алоҳида маънавий мазмун касб этади. Улар илм-маърифат орқали халқ ҳаётини ўзгартиришга, жамиятни янгилашга, миллий онгни уйғотишга интилган эдилар. Аммо тарихнинг шафқатсиз бурилишларида эл-юрт келажаги учун курашган инсонларнинг ўзи тарих қурбонига айланган пайтлар бўлган.

Бундай фожиани англаш учун жадидларнинг таржимаи ҳолини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Улар нимага ишонганини, нимадан умидвор бўлганини, нимадан қўрққанини, келажакдаги жамиятни қандай тасаввур этганини ҳам ҳис қилиш керак. Буюк адабиёт бизга айнан шу имкониятни беради: тарихий воқеаларга четдан қараб туриш билан чекланмай, ўша давр одамлари билан бирга ўйлашга, уларнинг кечинмаларига шерик бўлишга йўл очади.

Шунинг учун ҳам “Ялдо кечаси” деган ном мени фақат ўзбек халқи тарихи эмас, бутун Марказий Осиё тақдири ҳақида ўйга толдиради. Зеро, халқларимиз тарихида ёруғликка интилиш билан зулмат, маърифат билан жаҳолат, эркка ташналик билан бўйсундириш ўртасидаги кураш ҳамиша бўлган. Бироқ тун қанчалик узун бўлмасин, инсоннинг келажакка ишончи сўниб кетишига йўл қўймайдиган бир куч бор. Бу – маънавий хотира.

Мен бунга чин дилдан ишонаман: ўзбек халқининг тарихий ва маънавий дунёсига чуқурроқ киришни истаган киши учун “Ўткан кунлар” билан “Ялдо кечаси” бир-бирини тўлдирувчи ўзига хос адабий йўлдир. Биринчи роман бизни ўтган даврнинг ижтимоий тузуми, оилавий муносабатлари, инсоний туйғулари ва миллий турмушнинг ички зиддиятлари сари бошлайди. Иккинчиси эса ўша бадиий олам эшигини қайта очиб, кейинги авлодларнинг тарихий тақдирига, миллий уйғониш йўлидаги интилишларига, зиддиятларга тўла янги даврнинг маънавий драмасига етаклайди.

Бирида – муҳаббат ва ижтимоий адолатсизлик фожиаси. Иккинчисида – тарихий хотира, авлодлар давомийлиги ва миллат келажаги учун кураш масалалари. Бирида инсоннинг шахсий бахти жамиятда ҳукмрон тушунчаларга қурбон бўлади. Иккинчисида миллат истиқболини ўйлаган инсон тарихнинг оғир синовлари билан юзма-юз келади. Бу икки роман ўртасидаги маънавий боғлиқлик ўзбек жамиятининг ўзгаришларини кўришга имкон беради. Биз халқнинг урф-одати ёки феъл-атворинигина эмас, унинг ўзини янгилаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам англай бошлаймиз.

Шу боис “ўзбек руҳиятини ҳис этиш учун бу икки романни ўқиш керак” деган фикрни адабиётнинг мутлақ ҳукми сифатида эмас, теранроқ англашга чорловчи бир таклиф сифатида айтгим келади... Албатта, тарихи асрлар қаърига бориб тақаладиган миллатни бир китоб билан тушунтириб бўлмайди. Ўзбек дунёсининг бойлигини англаш учун унинг мумтоз шеъриятини, халқ оғзаки ижодини, замонавий адабиётини, мусиқасини, тарихи ва ижтимоий тафаккурини ҳам билиш зарур. Абдулла Қодирий билан Хайриддин Султоннинг бу икки асари ўша кенг оламга киришнинг муҳим дарвозасидир.

Баъзан Марказий Осиё халқларига географик жиҳатдан яқин, тарихан боғланган, бироқ маданиятлари ўзаро фарқ қиладиган жамиятлар сифатидагина қараймиз. Уларнинг адабиётини теран мутолаа қилганимизда эса орамиздаги ришталарнинг яна бир қатлами намоён бўлади. Қозоқнинг маънавий дунёсига Абай нигоҳи билан боқсак, ўзбек дунёсининг тарихий яраларини Абдулла Қодирий ва Хайриддин Султон яратган бадиий олам орқали ҳис этамиз. Қирғизнинг миллий хотирасига “Манас” эпоси орқали кирсак, унинг эркинлик, бирлик ва эл олдидаги масъулият ҳақидаги тушунчаларини англаймиз. Тожик, туркман, озарбайжон адабиётини ўқиганда ҳам ҳар бир халқнинг ўзигагина хос овози, дунёни идрок этиши ва инсоний идеали очилади.

Бундай асарларнинг қадри бир-бирига ўхшашлигида эмас, ҳар бири ўзига хос ва бетакрор эканидадир. Улар бизга фарқларни йўқотишни эмас, бир-биримизни чуқурроқ тушунишни ўргатади. Балки, бугун Марказий Осиёда тафаккур ривожи учун энг зарур нарсалардан бири ҳам шудир. Қўшни халқларнинг тарихини ўқиш билангина чекланмай, уларнинг қалб оламига киришни, дардини тушунишни, маънавий юксаклигини тан олишни ҳам ўрганишимиз керак. Чунки халқларнинг яқинлашуви орадаги географик масофа қисқариши билангина рўй бермайди. Бу яқинлик бир-бирининг тарихи, адабиёти, тили ва маънавий тажрибасига ҳурмат орқали чуқурлашади.

Қозоқнинг “Абай йўли”ни ўқиган қирғиз қозоқнинг ички дунёсини аввалгидан ҳам яқинроқ ҳис қилиши мумкин. Ўзбекнинг “Ўткан кунлар”и ва “Ялдо кечаси”ни ўқиган қирғиз ўзбек жамиятининг тарихий тақдирини теранроқ англаши мумкин. Ўзининг “Манас”ини жаҳон адабиётининг юксак намуналари билан қиёслаб ўқиган киши эса миллий меросининг умуминсоний маданиятдаги ўрнини янгича идрок этади. Бундай мутолаа оддий китобхонликдан юксалиб, маънавий қўшничилик сари ташланган қадамга айланади.

Хайриддин Султоннинг романи мени яна бир жиддий савол устида ўйлашга ундади: кейинги авлод буюк мерос олдидаги масъулиятини қандай адо этиши керак? Биз ўтмишни ҳурмат қиламиз, деймиз. Аммо ҳурмат дегани нима? Ўтмиш ёдгорликларини асрашми? Улуғ инсонларнинг номини кўчаларга қўйишми? Уларнинг таваллуд саналарини нишонлашми? Ёки улар қолдирган саволларга қайта мурожаат этиб, бугуннинг жавобларини излашми? Менимча, чин ҳурмат – ана шу сўнггисидир.

Хайриддин Султон Қодирийнинг адабий дунёсига қайтиш орқали ўтмишга таъзим қилиш билангина чекланмай, унинг давоми ҳақида ҳам ўй юритишга интилади. Бундай ижодий қадамнинг ўзиёқ меросга муносабатнинг муҳим намунасидир. Албатта, ҳар қандай давомнинг бадиий қиммати мустақил баҳоланиши керак. Уни фақат аввалги асардан олинган қаҳрамонлари ёки тарихий мавзуси учунгина қадрлаш тўғри эмас. Адабиётда меросга қайта мурожаат этиш маданиятининг мавжудлиги миллий бадиий тафаккурнинг тириклигидан далолат беради.

Буюк асар тугаса ҳам, у ўртага қўйган саволлар тугамайди. Қаҳрамонлар китоб саҳифаларидан чиқиб кетса ҳам, уларнинг қисмати китобхон онгида яшашда давом этади. Тарихий давр ортда қолса ҳам, унинг ахлоқий сабоқлари кейинги авлодлар олдида кўндаланг туради. Шу жиҳатдан “Ўткан кунлар” билан “Ялдо кечаси” ўртасидаги бадиий боғлиқлик ўзбек адабиёти учунгина эмас, жаҳон адабиёти учун ҳам муҳим бўлган масалани кўтаради: миллий хотира қандай сақланади, қандай янгиланади ва кейинги авлодга қандай ўтади? Бу саволнинг жавобини архивлардангина эмас, адабиётдан ҳам излаш лозим.

Баъзан ўз халқимизнинг руҳини англаш учун фақат ўз адабиётимизни ўқишимиз керак, деб ўйлаймиз. Албатта, ўз элингнинг тарихи, тили ва адабиётини билиш – маънавий ўзликни англашнинг пойдевори. Аммо бошқа халқнинг буюк асарини ўқиш ҳам ўзимизни танишимизга ёрдам беради. Ўзга халқ тақдирида ўз тарихимизнинг акс-садосини эшитамиз. Бошқа жамият хатоларида ўз жамиятимизнинг муаммоларини кўрамиз. Ўзга халқнинг маънавий юксаклигини англар эканмиз, ўз маданиятимизнинг имкониятларини ҳам янгича баҳолай бошлаймиз.

Мен учун “Абай йўли”, “Ўткан кунлар” ва “Ялдо кечаси” ана шундай уч бадиий оламни бирлаштириб турувчи асарлардир. Уларнинг бири қозоқ дунёсининг маънавий теранлигини очса, иккинчиси ўзбек жамиятининг тарихий турмушига олиб киради, учинчиси эса ўша бадиий оламнинг авлодлар оша давомини, тарихнинг оғир тунларини бадиий тафаккур мавзусига айлантиради. Бу уч асар бир хил эмас. Уларнинг тарихий шароити, бадиий мақсадлари ва ёзувчилик усуллари фарқ қилади. Аммо барчасини бирлаштирган бир ҳақиқат бор: инсон тақдирини халқ тақдиридан айри ҳолда тушуниб бўлмайди.

Балки, миллий адабиётнинг энг улуғ вазифаси ҳам шудир. У бизга ўз халқимизни севишнигина ўргатмайди, бу муҳаббатнинг масъулиятини ҳам англатади. Ўтмишни улуғлаш билан чекланмай, ундан сабоқ олишга чақиради. Миллий ғурурни уйғотиш билан бирга, миллатнинг ўзига танқидий қарай олиш маданиятини ҳам шакллантиради.

Мен, бир манасчи сифатида, “Ялдо кечаси”ни ўқир эканман, ўзбек адабиётидаги бир асарнинг давоминигина эмас, бутун бир халқнинг ўз тарихий хотираси билан суҳбатини кўргандек бўлдим. Абдулла Қодирий бошлаган бадиий сафар Хайриддин Султон қаламида янги саволларга йўл очиб, ўтмиш яраларини кейинги авлод шуурига олиб кирди. Беихтиёр қуйидаги мисралар ёдга тушади:

“Ўтмишнинг мардлигию разолатин
эслайсан бош чайқаб: “Аттанг, воҳ, аттанг...” Юрак қонар, кўзда ёш қалқар –
аттанг...”

Шунда яна бир бор амин бўлдим: халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи энг мустаҳкам кўприклардан бири – адабиёт. Тарих чегараларни ўзгартириши мумкин. Сиёсат муносабатларни яқинлаштириши ҳам, узоқлаштириши ҳам мумкин. Вақт авлодларни алмаштиради. Аммо буюк асардаги инсоний овоз уз давридан узоқроқ яшай олади.

Шундай экан, қозоқ руҳиятини англамоқчи бўлсак, Авезовнинг “Абай йўли”га мурожаат қилайлик. Ўзбек руҳиятини теранроқ ҳис этмоқчи бўлсак, Қодирий билан Хайриддин Султонни ўқийлик. Қирғиз руҳини дунёга танитмоқчи бўлсак, “Манас”нинг улуғ оламини, аввало, ўзимиз чуқур англаб, уни умуминсоний маънавий қадриятлар билан мазмунли мулоқотга олиб кирайлик. Зеро, миллий руҳни англаш ўтмишни билишнинг ўзигина эмас. Бу – бугунни тўғри идрок этиб, келажак сари масъулият билан қадам ташлашдир.

“Ялдо кечаси” бизга, эҳтимол, айнан шу содда, аммо боқий ҳақиқатни эслатар: зулматнинг қанчалик узоқ давом этиши муҳим, бироқ ундан ҳам муҳими – халқнинг ёруғликка ишончини асраб қола билишидир. Миллат руҳи ана шу ишончда яшайди. Адабиёт эса уни авлоддан авлодга етказувчи энг ишончли овоз бўлиб қолаверади.

Роман қаҳрамонларининг чигал қисматларидан таъсирланиб, асар маҳоратига маҳлиё бўлиб, муаллифга эҳтиром билан бош эгиб ўқидим. Назаримда, кўнглимдан кечганларни озми-кўпми айта олдим...

Бишкек шаҳри.

Қирғиз тилидан
Жаббор ЭШОНҚУЛ
таржимаси

ОЛАМ ОЛИМИ



Жан ТИРОЛЬ
иқтисодиёт манфаатларини оширган нобелчи

ҲАЁТИ

Жан Тироль 1953 йил 9 августда Франциянинг Труа шаҳрида таваллуд топган. У Франциядаги нуфузли Политехника мактаби ва Париждаги Миллий кўприклар ва йўллар мактабини тамомлаган. Кейинчалик АҚШдаги Массачусетс технология институти (МТИ)да иқтисодиёт соҳасида таҳсилни давом эттириб, 1981 йилда PhD даражасини олган. Унинг илмий раҳбарларидан бири кейинчалик Нобель мукофотига сазовор бўлган иқтисодчи Эрик Маскин эди.

1984–1991 йилларда МТИда профессор сифатида фаолият юритган Тироль кейинчалик Францияга қайтиб, Жан-Жак Лаффон билан биргаликда Тулузада иқтисодий тадқиқотлар ривожига катта ҳисса қўшди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Тулуза иқтисодиёт мактаби халқаро миқёсда тан олинган илмий марказлардан бирига айланди. Узоқ йиллар давомида МТИда таклиф этилган профессор сифатида ҳам фаолият юритган.

ЯНГИ НАЗАРИЯ

Жан Тироль илмий фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бозор қудрати, монополиялар ва давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш масалаларидир. Олимнинг фикрича, иқтисодиётда барча тармоқларга бир хил қоида ва талабларни қўллаш ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди. Чунки энергетика, телекоммуникация, транспорт ёки молиявий хизматлар бозорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу боис, уларни тартибга солишда ҳар бир соҳанинг иқтисодий тузилиши, рақобат даражаси ва корхоналар ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ эмаслигини ҳисобга олиш зарур.

Тироль назариясида ахборот асимметрияси, яъни, бозор иштирокчиларининг бир хил маълумотга эга эмаслиги муҳим ўрин тутади. Масалан, давлат тартибга солувчи органлари корхонанинг ҳақиқий харажатлари, технологик имкониятлари ва самарадорлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Бундай шароитда нотўғри белгиланган нархлар ёки ортиқча чекловлар инвестицияларни камайтириши, инновацияларни секинлаштириши мумкин.

Жан Тирольнинг яна бир муҳим илмий ҳиссаси икки томонлама бозорлар ва рақамли платформалар назариясини ривожлантириш билан боғлиқ. У иқтисодчи Жан-Шарль Роше билан биргаликда ушбу соҳанинг назарий асосларини шакллантиришга катта ҳисса қўшган.

Бугунги кунда Visa ва Mastercard каби тўлов тизимлари, рақамли хизматлар, интернет савдоси ва медиа платформалар фаолиятини таҳлил қилишда мазкур назарий ёндашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, рақамли компанияларнинг бозордаги мавқеи, рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида Тироль тадқиқотлари муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭЪТИРОФ

Жан Тироль иқтисодиётнинг турли йўналишларида, жумладан, корпоратив молия, банк ва валюта инқирозлари, хулқ-атвор иқтисодиёти, рағбатлантириш механизмлари ҳамда ижтимоий манфаатлар масалаларида ҳам самарали тадқиқотлар олиб борган. Олимнинг асосий ғояларидан бири шундан иборатки, иқтисодиёт фақат фойда олиш ва бозорда устунликка эришиш воситаси эмас. У, аввало, инсонлар ҳаёт сифатини яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва умумий фаровонликни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Олим 2014 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди. Ушбу юксак мукофот олимга “бозор қудрати ва уни тартибга солиш таҳлили учун” берилди.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

Бошланиши 1-саҳифада.

“ЗИЁЛИ МАЙДАЛАШМАСИН!”



Отам Мирғани Аъзамов мактаб директори, онам Хатира мулла Карим қизи болалар боғчасида мудира бўлган. Оилада Наима опам, мен ва укам Мирвали – уч нафар фарзанд эдик. Болалигим Иккинчи Жаҳон уруши даврига – халқимиз бошига ниҳоятда оғир кунлар тушган даврга тўғри келган. Отам ўша вақт қоидаларига кўра, ўқитувчи раҳбарлар учун белгиланган имтиёзга асосан фронтга бормаслиги мумкин бўлган. Аммо “Барча хонадонлардаги эркаклар урушга кетяпти. Қўл-оёғим бутун, навқирон эркак бўлсам... Уйда қолгани номус қиламан”, деб урушнинг бошидаёқ кўнгилли бўлиб фронтга кетган ва орадан кўп ўтмай ундан “қора хат” келган. Шу кундан эътиборан биз учун ниҳоятда машаққатли йиллар бошланди. Тўсатдан бошимизга тушган кўргилик онамнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилди. Онам ўзи ишлаётган боғчадан кетишга мажбур бўлди. Сўнг шароитдан келиб чиқиб новвойлик қилди. Биз, болалар кучимиз етганича онамга ёрдам берардик.

Хуллас, жуда кичик ёшимдан “тирикчилик тошдан қаттиқ” деган нақлни ўз гарданимда ҳис қилиб улғайганман. Аммо болаликнинг умидлари бутун бўлади. Ўша умидлар менгаям яшаш, олдга қараб ҳаракат қилиш учун куч берган. Онам отамни фронтга кузатаётганда, “болаларимизни албатта ўқитаман, мактабдан қолдирмайман”, деб сўз берган экан. Аёл боши билан шу лафзида турди. Атай Эски Жўвага тушиб, тирикчиликдан орттирган пулларига янги китоблар сотиб олиб келиб берарди. Вақти-вақти билан Ёш томошабинлар театрига чипта ҳам кўтариб келарди. Мутолаа, театр томошалари асосида адабий дидим шаклана борган. Шу ўринда айтишим жоизки, менинг адабиётга боғланишимда олтин кўприк бўлган инсон биринчи навбатда онам бўлган. Кейин эса, албатта, мактаб, устозлар...

– Сиз болалар ва катталар шоирисиз. Ваҳоланки, кичик бола билан катта ёшлиларнинг ҳиссиётлари, дунёга назари бир-биридан мутлақо фарқ қилади...

– Катталар адабиёти, болалар адабиёти деган тушунчаларга менинг нуқтаи назарим бошқачароқ. Мен учун улар икки қутбда турувчи тушунчалар эмас. Ҳар иккисининг вазифаси бир хил: инсоний туйғуларни тарбиялаш. Қалблар, кўнгиллар, юракларда самимийлик, ростгўйлик, ҳалоллик, жасорат, садоқат каби энг гўзал туйғуларни уйғотиш. Ватанпарварлик, миллатпарварлик сингари инсонни одамийлик оламида ушлаб турадиган ҳиссиётларига қувват бериш. Бу ҳиссиётларни ўстирувчи таъсирчан сўзларни топиб назм қилиш, наср қилиш. Фақат бу вазифани болалар шоири бола тилида, катталар шоири катталар тилида айтади, холос. Бу энди, машқ, мутолаа, тажриба билан амалга ошадиган ҳодиса. Ижод билан шуғулланиш – қалбни қийнаш дегани. Қалбни ўрташ дегани. Демак, адабиёт, адиблар учун ижод қийноғи табиий яшаш имконидир. Усмон укамиз топиб айтиб қўйибди-ку: “Шеър ёзилар, қийноқ, сенга бўлсин шараф” деб.

– Бугунги авлод виртуал олам таъсирида улғаяётгани сир эмас. Болаларимиз тили чиқмасданоқ смартфондан фойдаланишни ўрганяпти. Дунё олимлари болаларнинг диққат-эътиборини бир неча дақиқадан ортиқ жалб қилиб бўлмаётганини таъкидлашмоқда. Болалар шоири сифатида, нима деб ўйлайсиз, адабиёт бу воқеликда яшаб қола оладими?

– Бир гапни кўп айтаман. Зўрлик заифлик қаршисидагина яшайди. Агар адабиёт аҳли “Виртуал олам ҳаммани, ҳатто, болаликни ҳам домига тортиб бўлди. Энди биз ҳеч нарсани ўзгартира олмаймиз”, дея таслим бўлса, албатта болаларни бутунлай ўша оламга топшириб қўя қоламиз. Аммо биз инсонмиз-ку. Бу дунёнинг энг кучли яратиғимиз, ахир. Ўша сунъий олам бизнинг ақлимиз, тафаккуримиз туфайли яралган. Бизнинг бир устунлик томонимиз бор: биз инсонлар қалбга, кўнгилга эгамиз. Адабиётнинг асосий манзили эса ана шу қалб ва кўнгил. Демак, биз виртуал олам олдида ҳеч қачон ўзимизни заиф ҳис қилмаслигимиз керак.

Болаликни соф сақлайдиган ва болалар қалбини ўлдирмайдиган сўзларни топиб ёзишимиз, бу йўлда борига барака, деб ўтиравермасдан янгидан янги изланишлар қилишимиз керак бўлади. Адабиёт албатта яшаб қолиши керак. Биз эса шунга ишонишимиз шарт. Яшаб қолмасликка йўл қўйиш бу адабиётимиз учун шунчаки ён бериш эмас, болаликка, ҳатто, айтиш мумкинки, миллатга хиёнат бўлади.

– Устоз, ўттиздан ортиқ туркий адиблар ижодидан намуналарни ўзбек тилига ўгирган-сиз. Таржимашуносликдаги хизматингиз учун халқаро Маҳмуд Кошғарий ҳамда Мавлоно Жалолиддин Румий номидаги мукофотлар, “Дўстлик” ордени билан тақдирлангансиз. Таржимон асар руҳини, дардини ва айниқса, унинг миллий колоритини иккинчи тилда ҳам чиқариб бера олиши учун нималарга эътибор қаратиши керак? Бугун ҳар қандай асарни исталган тилга лаҳзада ўгириб бераётган сунъий интеллект мутаржимлар қадрини туширмасмикин?

– Мен ҳеч қачон таржима учун тўғри келган асарни қўлимга олмаганман. Қайсидир халқнинг шоири ёки адибини таржима учун танлар эканман, аввало, “Бу асар бизнинг халқимизга нима беради?” деган саволга жавоб излайман. Агар ўша асарларда бизнинг ўз тарихимиз ё бугунимиз ҳақида ўйлашга ундайдиган воқеликлар бўлса, кейин ишга киришаман. Ҳеч қачон муаллифнинг номдорлиги ҳам, чиройли ёзиши ҳам диққатимни тортмаган. Мен халқимга илинаётган асар дарди дардимизга, қувончи қувончимизга ўхшаш бўлиши, ўқилганда саволлар туғдириши ёки саволларга жавоб топиб бера олиши керак.

Нашриётда ишлаганимда жуда кўп таржима китобларига муҳаррирлик қилганман. Таржимонлардан ҳамиша муаллифга хиёнат қилмасликни, “эркин таржима” ниқоби остида ўзбошимчаликка йўл қўймасликни талаб қилганман. Сунъий интеллект ва мутаржимлар масаласига келсак, юқоридаги гап: таржимонлар сунъий интеллектга ўрнини бериб қўймаслиги керак. Дунё курашлардан иборат, дейсиз-ку. Кеча мафкуралар, ўтган куни яроғлар урушган бўлса, бугун ўз яратиғимиз билан курашга киряпмиз. Эртага кимнинг нима бўлиши бизнинг жаҳдимиз, шаҳдимиз, ҳатто, орномусимиз ҳимоясига чиқишимизга боғлиқ.

– Сизни даврадошларингиз “тўғрисўз ижодкор” деб таърифлашади. Ўзаро суҳбатларимизда турмуш ўртоғингиз Қутлибека Раҳимбоева ҳам кўп бор ҳақпараст ва ўжар феълингиз ҳақида гапиради. Ижодкорнинг ҳақиқат олдидаги масъулияти, ўзлигига садоқати нима ўзи?

– Ижодкор асарларида яшайди. Мен, эҳтимол, ҳаётда, ижодда кимларнидир ҳайратга соладиган ишлар қилмагандирман. Аммо босиб келаётган умр йўлларимни хаёлан тафтиш қилсам, бир нуқтада ўзимни ўзим ҳурмат қила бошлайман. Мен ҳеч қачон шамол эсган, шамол эгган тарафга қараб эгилмаганман. Қаламим, қалбимни ўзим мансуб бўлган, менга гоҳ оғриқ, гоҳ фахр, гоҳ изтироб, гоҳ ишонч берадиган шу туркий халқим, туркий юртимга тегишли деб билганман. Сўзларим жуда жозибадор, латофатли бўлмаслиги мумкин, лекин сохта эмас, хоин эмас. Ижодкорнинг ҳақиқат олдидаги масъулиятини ҳам, ўзлигидан чекинмаслигини ҳам унинг ижод маҳсули белгилайди. “Мен ҳақиқатпарастман” деса-ю, нимадир илинжида ёлғонга хизмат қила бошласа, ёлғон ёза бошласа, унинг ҳайқирганларининг бир пуллик қадри йўқ. Тилда, фикрда, ишда бирлик, якдиллик дейсизлар-ку, шу-да саволингизга жавоб.

– Бугун ижтимоий тармоқ орқали битта шеърни минглаб ўқувчи бир лаҳзада ўқиши мумкин. Таниш ҳам, танилиш ҳам осон. Афсуски, ижодкорлар орасида кенг ёйилаётган гуруҳбозлик, сунъий мухлислик, айтиш мумкинки, ўзаро тарафкашлик адабий муҳитга катта таъсир кўрсатмоқда. Бу масалага қандай қарайсиз?

– Мен бўлиниш, гуруҳбозликни жуда ёмон кўраман. Миллатни пароканда қиладиган ҳам шу нарса. Тарихда ҳам, яқинда ҳам бошимизга қандай кўргиликлар келган бўлса, шу бўлиниш деган иллатдан келган. Бир бутун халқ бўлиб яшаш учун кимдир кимдирга кенглик қилиши, кечиримли бўлиши, ён бериши керак. Шундай ўйлайман-у, аммо ўзим кеча бошқа минбардагига қарсак чалиб, бугун ўша минбар пасайгани учун лой отаётган номардларни, ялтоқилик, олчоқликдан юзи қизармайдиган нокасларни ёмон кўраман. Уларга ишонмайман, уларни эшитгим ҳам, бир дастурхонда ўтиргим ҳам келмайди. Шундай яралганман, энди бошқача бўлолмайман.

Дунёдаги баъзи халқлар бир-бирини жуда қаттиқ ҳимоя қилади... Ўзаро қаршилиги бўлса ҳам, бошқалар билан майдонга тушганда битта бўлиб бирлаша олади... Менда ҳам шундай вазият бўлса, ўзимникилардан фазилат топа оламан, деб ўйлайман.

– Миразиз Аъзам ўзини инсон сифатида бахтлироқ ҳисоблайдими ёки ижодкор сифатида?

– Худо берган ёшга, тақдирга исёним йўқ. Меҳр-оқибатли жигарларим, садоқатли рафиқам, ҳар бири ўз мустақил фикрига эга фарзандларим, яхшими, ёмонми, ўзимнинг сўзларим муҳрланган китобларим бор. Бахти, бахтсизлиги, ози, кўпи, армонлари, шукроналари билан шу умр меники бўлди...

– Икки шоир бир уйда яшар экан, уларнинг жимлиги ҳам шеър. Тақдир риштасининг Қутлибека опа билан боғланиши ижодий фаолиятингизда нималарни ўзгартирди?

– Мен ўзи ташқаридан ювош кўринганим билан анчагина қаҳри қаттиқ, ўз принципларимдан чекинмайдиган одамман. Лекин рафиқамнинг шеърларини ўқисам, негадир кўзимга ёш келаверади... У билан турмуш қуришим ҳаётимни, ижодимни остин-устун қилиб юборди, дея олмайман. Қирқ йиллик турмушда биримиздан иккинчимизга нималардир ўтган, албатта. Биз ёзган нарсаларимиз ҳақида фикрлашишимиз мумкин, аммо ҳеч қачон биттамиз иккинчимизга фикримизни мажбурият сифатида тиқиштирмаймиз. Лекин хожалик-бекалик масалаларида менинг бийлигим, унинг ён бериши бор гап. Ундан розиман. У мени деб, саломатлигим парвариши деб кўп нарсадан кечиб яшаб келяпти. Ҳаққига дуодаман.

– Устоз, табаррук ёшдасиз ва турли давр адабий мезонларини кўрдингиз. Вақт инсонга ҳаёт ҳақиқатини англатади. Сиз учун ўтган умрингиз берган энг катта сабоқ нима?

– Тўқсон ёшдан ошдим. Одам боласининг ўзи билан ўзи юзма-юз келиши унинг энг ростгўй пайтидир. Бировга айта олмаса ҳам гуноҳи, савобини ўзи яхши билади. Уялган, унсиз йиғлаган, Худога ёлвориб тазарру қилган онлари бор. Ўзини мукофотлаган, ўзидан рози дамлари ҳам бўлади. Шу лаҳзаларда кўнгил осойишталиги, хотиржамлиги кўп бўлсин. Гуноҳ юки, айб юки, иккиюзламачиликдан келган уят юки эзмасин...

– Ижодкорларга тилакларингиз?

– Ижод аҳли ҳақида ўйлаганимда бир қўрқувим бор: маънавий саводсизлик. Ўқимаслик. Бир пайтлар бир даврада Саъдий Шерозий ҳақида гап бораётган эди, уч-тўртта китоби чиққан бир ижодкор “ким ўзи у”, деб сўради. Ҳозир умрида битта китоб ўқимаганларнинг ҳам китоблар чоп эттираётганидан хабардорман. Адабиётни ана шулар чўктиради. Айниқса, бу иллатдан ёшлар узоқ бўлса эди, деб ўйлайман. Ёзувчи, шоир юзлаб эмас, минглаб китобларни мутолаа қилган бўлиши керак.

Яна бир ҳадигим бор: Истеъдодсизлар ҳам майли, ўз йўлига. Истеъдоди бўлмагани учун кун кўриш, назарга тушиш йўлларини ахтаришади. Аммо истеъдодлиларга нима бўляпти? Нега халқни руҳлантирадиган кучли асарлар ёзиш ўрнига иқтидорини майда нарсаларга сарфлайди, ўзини ерга уради... Зиёли майдалашмасин!

Умуман олганда, ўқимаслар ёзмасин! Ўқисинлар, албатта, ўқисинлар!

Муҳайё РУСТАМОВА суҳбатлашди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

БОБУР – БУЮК ТЕМУРИЙ

Анқара шаҳрида буюк саркарда, давлат арбоби ва мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда бобурийлар меросига бағишланган халқаро илмий симпозиум бўлиб ўтди. Туркия Фанлар академияси ҳамда Анқарадаги Ғози университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман Бобурийлар давлати ташкил топганининг 500 йиллигига бағишланди. Унда Ўзбекистон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан олим ва тадқиқотчилар иштирок этди.

Бугун Бобур ва бобурийлар меросига халқаро миқёсда қизиқишнинг ортиб бораётгани бежиз эмас. Бу, бир томондан, мазкур сулоланинг жаҳон тарихида тутган ўрни билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда тарихий меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва халқаро илмий муомалага олиб кириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳнамолигида сўнгги йилларда мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросини тиклаш, уларнинг илмий ва маънавий бойлигини чуқур тадқиқ этиш, дунёга кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Симпозиум давомида Бобур ва бобурийлар тарихининг турли қирраларига бағишланган маърузалар тингланди. Унда Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати тарихи, мазкур сулоланинг маҳаллий маданият ва санъат ривожига қўшган ҳиссаси, меъморий обидалар, адабий асарлар ва тарихий манбаларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман доирасида бир қатор илмий китоблар тақдимоти ҳам ўтказилди. Жумладан, Туркия Фанлар академияси томонидан нашр этилган “Амир Темур ва унинг мероси” китобининг тақдимоти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ҳиндистонда Бобурийлар даврига оид кўплаб тарихий манбалар, қўлёзмалар ва архив ҳужжатлари мавжуд, – деди Жамия Миллия Исломия университети ўқитувчиси, доктор Нушад Куриккал. – Уларни тизимли ўрганиш, илмий муомалага киритиш ва халқаро тадқиқотчилар эътиборига ҳавола этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Айниқса, Ўзбекистон ва Ҳиндистон олимлари ўртасидаги ҳамкорлик бу борада янги имкониятлар очмоқда.

Анжуманда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети ва бошқа илмий-таълим муассасаларининг олимлари ҳам фаол иштирок этди.

* * *

Маълумки, халқаро адабиётларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласи кўпинча “Мўғуллар империяси” ёки “Буюк мўғуллар” номи билан юритилади. Бироқ бу атама сулоланинг асл тарихи, этник-маданий илдизлари ва ўзлигини тўлиқ акс эттирмайди. Мазкур атаманинг Ғарб тарихшунослигида оммалашиши XVI-XVII асрларга бориб тақалади. Айрим Европа муаллифлари ва сайёҳлари томонидан қўлланилган бу ном кейинчалик тарихий адабиётларда кенг тарқалган. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Бобур ўзини ва ўз сулоласини мўғул деб эмас, балки туркий маданий муҳитнинг вакили сифатида намоён этган. Унинг тили, адабий мероси, давлатчилик анъаналари ва маънавий дунёси темурийлар цивилизацияси билан чамбарчас боғлиқдир. “Бобурнома” асаридаги тил ва маданиятга оид маълумотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бобур Мирзо авлодлари даврида туркий тил ва адабиётга катта эътибор қаратилган. Бобурий шаҳзодаларга туркий тилни ўргатиш учун Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқанд ва Бухородан махсус муаллимлар таклиф этилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам мазкур маданий алоқаларнинг узвийлигини кўрсатади.



Шу боис, маърузамизда халқаро илмий жамоатчилик эътиборини ушбу мавзуга қаратиб, “Буюк мўғуллар” атамасини “Буюк темурийлар” атамаси билан алмаштириш масаласини илмий жиҳатдан муҳокама қилиш вақти келганини таъкидладик. Зеро, Бобурнинг ўзи темурийлар сулоласига мансуб бўлган. Ҳиндистонда барпо этган салтанати ҳам ана шу буюк тарихий ва маданий мероснинг янги минтақадаги давоми сифатида намоён бўлди. Бобурийлар ўз давлатини “Кўрагонийлар давлати” деб аташган. Бирор бир расмий манбада “Буюк мўғуллар” атамаси ишлатилмаган. Бу атама дастлаб XVII асрда португалларнинг расмий ҳужжатларида учрайди.

Албатта, тарихий атамаларни ўзгартириш илмий асослар, манбалар ва халқаро академик мулоқотга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бизнинг мақсадимиз ҳам Бобур ва унинг авлодлари тарихини уларнинг ҳақиқий келиб чиқиши, маданий ўзлиги ва тарихий ворисийлиги асосида холис ўрганишга эришишдан иборатдир.

Рустам ЖАББОРОВ

ЁРУҒ ХОТИРА

ҲАҚПАРВАР АДИБ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар юртимиз ва хорижда кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ана шундай адабиёт байрамларнинг галдагиси куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтди.

“Ҳақ сўзни айтмоқ учун...” деб номланган анжуманда шоир ва ёзувчилар, олим ва журналистлар, дипломатик корпус вакиллари, адибнинг ҳамкасб дўстлари, шогирдлари ва оила аъзолари иштирок этди. Унда сўз олган ҳар бир меҳмон улуғ адибнинг ўзига хос фазилати ҳақида ҳикоя қилиб берди.



Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги директори,
сенатор:

– Одил Ёқубов – ўзининг ёрқин истеъдоди, кўп йиллик самарали ижодий фаолияти билан келажак авлодлар учун бебаҳо мерос қолдирган, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маърифий-бадиий тафаккури ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган адиб. Мустамлака даврида пахта яккаҳокимлигининг фожиавий оқибатлари ҳақида дадил сўз айтган шахс Одил ака эди. Истиқлол йилларида жамиятимизда эзгулик ва меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш йўлида унутилмас хизмат қилиб, сермазмун ҳаёти ва юксак инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллади. Айни ушбу омиллар боис ҳам жорий йилда адиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Вазирлар Маҳкамасининг бир гуруҳ илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган арбоблар таваллуд саналарини нишонлаш тўғрисидаги фармойишида Одил Ёқубов номининг зикр этилгани ҳам бежиз эмас.

Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари:

– Устоз адибнинг юбилейи муносабати билан Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Одил Ёқубов – ҳақиқатга суянган адиб. Замондошлари хотирасида” тўплами нашр этилди. Унга улуғ адиб замондошларининг эътирофли битиклари, ёдномалари, шунингдек, ёзишма-мактублари ҳамда назмий бағишловлар киритилди. Ишонамизки, улар ўқувчини бефарқ қолдирмайди ва севимли ёзувчимизнинг мураккаб ҳаёт йўли, суврату сийрати, бой ижодий мероси борасида янада кенгроқ тасаввурга эга бўлишига ёрдам беради. Юбилей асносида адибнинг 17 жилдлик асарлар тўплами нашрдан чиқарилгани, “Улуғбек хазинаси” романининг қайта инглиз тилига таржима қилиниб, халқаро электрон платформалар орқали дунё аудиториясига тақдим этилаётгани ҳам ўзбек насрининг жаҳон миқёсидаги нуфузини ошириш йўлидаги яна бир эзгу қадамдир.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Биз Чингиз Айтматов ҳақида кўп гапирамиз. Одил Ёқубов Айтматов билан яқин дўст, маслакдош эди. Шу билан бирга ижодий қуввати ва маҳорати қирғиз қардошидан кам эмасди. Адиб ижодий лабораториясининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, “Кўҳна дунё” романи ва “Улуғбек хазинаси” романларида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс алломалари қиёфасининг яратилиши, илмий-ижодий муҳит тасвиридаги маҳорат хусусида илмий ишлар қилса арзийди. Бу асарлар адибнинг кенг тафаккур ва тасаввур қуввати, бой илмий заҳирасидан дарак беради. Одил Ёқубовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолиятини олайлик. Адибнинг Марказий Осиё халқлари дўстлигига қўшган улкан ҳиссасини, бадиий адабиёт миллатларни яқинлаштирувчи муҳим омил экани ҳамда халқ дипломатиясида ижодкорларнинг ўрнини эътироф этмаслик мумкин эмас. Зеро, ёзувчи асарларининг хорижда ҳам севиб мутолаа қилинаётгани адиб миссияси давом этаётгани белгисидир.

* * *

Хотира кечасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари – санъат арбоби Иброҳим Ғафуров ҳамда халқ шоири Абдулла Ориповнинг улуғ адиб шахсияти ва ижодига муносабатлари акс этган видеолавҳалар намойиши тадбирда қатнашган талабалар учун Одил Ёқубов феноменини теран англашда калит вазифасини бажарди десак янглишмаймиз.



Жамолиддин БАДАЛ

ҚАРДОШЛИК

Қарноқ қуёши

Биз борган куни Қарноқда қуёш чарақлаб чиқди. Куз охирлаб қолгани боис, Қоратов этакларида об-ҳаво нисбатан салқин тортиб қолган экан. Ўзбекистонлик меҳмонлар пойқадамидан мезбонлар бениҳоя мамнун бўлди: “Тошкентдан қуёшни олиб келишди, меҳмонжонлар...” Тўғриси, қувондим, сўнгра ўйланиб қолдим...

Гапни бошқачароқ, яъни, одатий хабар билан бошлаганим маъқулмиди? Туркистон шаҳрига туташган Қарноқ қишлоғига улкан адиб Одил Ёқубов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш учун борган эдик. Дастурга кўра, Одил Ёқубовни Абдулла Қодирийга боғлаб маъруза қилишим керак. Дейлик, икки адиб романларини, улардаги воқелик, образлар табиати, макон ва замонлар, поэтик қийматини таққосласам... Э-ҳе, унга ойлар етмайди. Қиёслар тадқиқи “бир рисола бўлғусидир”.



Абдулла Қодирий ва Одил Ёқубов – мавзу муҳим ва қизиқ. Вақт эса ниҳоятда зиқ. Нисбатан қулай йўлдан бордим, “Сўз” китобидан адибнинг адабий-танқидий мақолалари, бадиалари, гурунгларини ўқий бошладим. Айнан изланганим мавзуда “Абдулла Қодирийни ўқиб”, “Баҳслар холис бўлса”, “Қодирий ҳақида сўз” мақолаларини белгилаб қўйдим. Ҳар уч мақола ёзилиши орасида ўн-ўн беш йиллик масофа ва, албатта, муайян сабаб бор. Аммо умуммоҳиятига кўра адибнинг Абдулла Қодирийга меҳри, муҳаббати, ихлоси ўзгарган эмас. Ҳали ҳарф танимаган маҳали оила даврасида “Ўткан кунлар” ўқилганда адабга, адабиётга ташна ва сўзга сомъ болакайнинг кўзлари чақнайди. Ёдномадан бошланиб, икки роман таҳлилига ўтилган биринчи мақоладан буни тасаввур қилиш қийин эмас.

Бола чоғи китобхонлик даврасида тинглаган адиб “Ўткан кунлар” романини тўққизинчи синфда муаллимидан бир амаллаб олиб, яширинча икки кечада ўқиб битиради. “Китобни ёпиб боққа чиқдим. Хўроз учинчи марта қичқирган. Япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган боғда шабада бебошлик қилади, кекса ўриклар, ичлари ковак олмалар хазин чийиллайди, нола қилади, олча ниҳоллари, ёш олхўрилар юз муқомга тушиб эгилиб-эшилади.

Мен юзимни шабадага тутиб, боғда узоқ айланаман. Кўз ёшларимни артмай, ҳўнг-ҳўнг йиғлайман...

Ўша маҳалгача ҳеч бир китоб мени шу қадар ларзага солмагандир. Гўё Отабек менинг ўз акам. Кумуш эса ўз келинойимдай уларнинг тақдирига ичимдан куюнаман, изтироб чекаман. Адабий “сир”лардан бехабар: “Аттанг, шу хўракни Зайнабга топширмай, Ўзбек ойим ўзи қилганда-ку, бундай бўлмас эди!” деб афсус чекаман... Айни замонда кўнглимда ҳеч бир ғубор, ёмон асорат йўқ...” – илк таассурот завқи шундай. Бу гапни ижикилаб изоҳлашга, шарҳлашга зарурат сезмадим. Ўспирин бола Ёқубовнинг кўз ёшларига дуч келиб, қаяжонларини англадим.

Ўн етти ёшида қарноқлик қирқ йигитга қўшилиб, кўнгилли ўлароқ Иккинчи Жаҳон урушига кетаётганида егуликлари жамланган тўрвасига “Ўткан кунлар” китобини ҳам солиб олади. Роман қанча замонлар унга йўлдош ва дилдош бўлади. Мусофирчиликда қишлоқдошлари билан йиғилишиб шу китобни ўқиганларида уйларига бориб келгандек кўнгиллари тасалли топади. Адибнинг бундай ёдловлари ва ҳиссий эътирофлари ҳамма биладиган биографик маълумотларни билағонлик билан такрорлагандан кўра қимматлироқ, менимча.

Ижод сирларидан воқиф бўлиб, ўзи ҳам улуғлар даврасига қўшилгач, мўйсафид адиб Абдулла Қодирий хусусида сўзлаган нутқида: “Бошқаларни билмадим, лекин одатда мен Қодирий ижоди ҳақида ўйласам, дафъатан ўзимизнинг оддийгина дутор ёдимга тушади. Дутор эса шодликни ҳам, халқ дилидаги мунгли дардларни ҳам теран ифода этиб, кўнгилларни ёритишга, гоҳ маҳзун ўйларга толдиришга қодирдир. Дуруст, буюк адабиётлар баъзан халқ ҳаётининг олий жиҳатларини куйлабгина қолмасдан, балки унинг нуқсон ва камчиликларини янада шафқатсиз танқид қилишга журъат этган” каби беназир баҳолар беради.

“Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”, “Диёнат” – бир неча ўн жилдга жамланиши мумкин бўлган роман, қисса ва ҳикояларини, адабий-танқидий, публицистик мақолалари, суҳбатлари – буларнинг барчасини санаш ва айримлари ҳақида икки оғиз сўз айтиш учун ҳам кўп вақт керак. Ҳолбуки, бугунги маърифатли китобхонлар учун “Одил Ёқубов” деган исм-шарифнинг ўзи кифоя; бу исм жуда кўп нарсаларни сўзлайди. Адибларнинг исмлари, тахаллуслари ёки асарлари номи тилга олинганида, ассоциатив равишда сўзлайдиган бўлиши шарт. Ўтиб кетгандан кейин ҳам адиб исмларининг сўзлаб туриши ижодкор учун шараф, ижодкор учун саодат.

“Музқаймоқ” – автобиографик, ҳаққоний, ҳаётий ҳикоя. Ҳикояни ўқиётиб, Қарноқ кўчаларида қўлида графин кўтариб, қимизга чиққан болакайни аниқ кўрдим. Графин дарз кетганини ҳам, отасининг жаҳли боис, бу шиша идишнинг чил-чил сингани товушини ҳам эшитдим. Ҳикоя бир неча ўн йил давомида адиб шуурида яшаб келган изтироб, юракдаги тугун ва армон. Унда ўн бир ёшли боланинг кўз ўнгида юз берган трагик воқелик баёни келади. Гоҳ даврлар билан давралар уйғунлашади ва баъзан ҳодиса баёни ёши улуғ адиб замонига яқинлашиб, ундан олислаб алмашиб туради. Шунинг учун айрим қариндошларини “раҳматли, марҳум” деб эслайди. Ҳикоя сюжетини қайта сўзлаш ниятим йўқ, аммо унда манфур замон, қаттол даврнинг суврати бор, унда дард, изтироб, алам ва ота соғинчи бор.

Ҳикояда тилга олинган, адиб ўқиган ўша мактабга оёғимиз етди. Шукр. Адабиёт муаллимаси Фотима чексиз ифтихор билан бизни мактаб билан таништирди. Бугун Маҳмуд Кошғарий номи билан юритиладиган бу мактабда Одил Ёқубовга бағишланган ихчам музей ҳам бор. Мактаб аҳли, зиё аҳли, қишлоқ аҳли, қарноқликлар, туркистонликлар, қозоғистонликлар адибнинг юз йиллик анжуманига пухта тайёргарлик кўришибди. Мактабнинг, “Дўстлик уйи”нинг, Туркистон кутубхонасининг ҳар кўзга ташланадиган жойида Одил Ёқубовнинг китоблари, муҳташам суврати, кўргазмалар.

Адиб анжуманида бир дунё ажнабий атамаларни қўллаб сўз айтсам, ўйладим, филолог талабалар аудиторияси бўлмаса, йиғилиш аҳли зерикиб қолади. Илмий анжуманларда айтиладиган расмий, зерикарли нутқдан саҳнага чиқаётиб беихтиёр воз кечдим. Минбарга етгунча улкан залда ўтирган адиб заминдошларига айтадиган гапим шаклланди. “Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Хожа Аҳмад...” – бувим Тожагул момодан эсимни танигандан бери эшитган таъбирим шу. Бугун, шукрким, Хожа Аҳмад ҳазратлари зиёратига етиб келдик. Ҳазратнинг ҳикматлари ва уларнинг ҳақиқатини ёдга олдик.

“Туркистон – икки дунё эшиги бу, Туркистон – ҳар бир туркнинг бешиги бу” – ҳа, “Гўзал Туркистон, сенга не бўлди”, дея изтироб чеккан Чўлпоннинг дарддоши, оташин қозоқ шоири Мағжон Жумабойнинг мисралари бу. Абдулла Қодирий романларини Помир тоғларига мензаган Мухтор Авезовнинг ҳам шу заминга дахли бор. Туркистонликлар маълумотига кўра, унинг бобоси ўз вақтида Қарноқдаги мадрасалардан бирида таълим олади. Тошкентда ўқиган йиллари Абдулла Қодирий асарларини ўзбек тилида мутолаа қилади. Мухтор Авезов феномени билан Одил Ёқубовнинг адабий хизматлари уйғун келади.

Ижод аҳлига маълум ва машҳур: “Ёзувчи асарларининг туб илдизларини билмоқчи бўлсангиз, у туғилган юртга бориб кўринг”, деган гап бор. Одам то бориб кўрмаганича, эшитганлари ортидан пайдо бўлган тасаввур манзаралари анча хира бўлади. Дарвоқе, Қарноққа боргандан кейин бошқа одамга айланасиз. Тасаввурингиз бирдан тиниқлашади. Одил Ёқубов қаҳрамонларига бегоналигингиз қолмайди. Қишлоғини, одамларини, кузда япроқлари сарғайган дов-дарахтларини, баракали тупроғини кўрасиз. Олисдан кўзга ташланиб турган Қоратовга назар соласиз. Бундан кейин адиб китобларини шу тафсил, тавсиф ва манзараларга унс бериб қайта ўқишингиз керак. Бундан кейин қайси бир танишингиз Аҳмад Яссавий зиёрати учун Туркистонга отланса, уларга сал наридаги икки минг йиллик тарихга эга, салкам йигирма мингга яқин нуфусли, муҳими, Одил Ёқубов таваллуд топган қадимий Қарноққа боришни ҳам маслаҳат берадиган бўласиз. Чунки Аҳмад Яссавий мақбарасидаги баҳайбат қозон қарноқлик темирчи усталар меҳнати ва маҳоратининг маҳсулидир. Бугун ўша тарихий устахоналарни қишлоқ аҳли музейга айлантириш ҳаракатида юрибди. Кўҳна мадрасалар, икки-уч аср аввал қурилган масжид ёнида толиби илмларнинг қатор ҳужралари – бугун улар музейхона. Масжид ичкарисида чиллахона ҳам бор. Шундай тарихий обида ёнида ҳайбатли, шохлари осмонга, дуога қўл чўзган қадимий тутни кўрдим. Танасига қучоқ етмайди. Тут мевасидан Одил Ёқубов ҳам тановул қилган бўлса керак.



Одил Ёқубовнинг ўзи нақадар ҳақни, ҳаққониятни суядиган бўлса, унинг асарларидаги қаҳрамонлар ҳам шу бебаҳо тушунча учун курашадиган инсонлардир. Зотан, ҳақ сўзни айтмоқ, ҳақиқат учун кўкрак кериб турмоқ ва тинимсиз курашмоқ ҳар қандай ёзувчининг инсоний бурчи. Одил Ёқубов ёзади: “Ёзувчи қисматида улуғ бир бурч, масъулият бор: қайси йўсинда, қайси оҳангда бўлмасин, Ҳақ Сўзни айтмоқ. Ҳақ Сўз шунчаки гапбозлик ва найрангни кўтармайди, бошингда қилич синсада, мени айт, деб туради. Ҳамиша Ҳақ Сўзни айтган адабиётгина яшайди. Ҳақиқатга суянган адибгина меҳр-муҳаббат қозонади”. Адибнинг адабиёт майдонида меҳр-муҳаббат қозонишининг боиси шу. Шунинг учун ҳам ёзувчи ўзининг тарихий “Нутқ”ида ўзбек миллатининг дардини – ҳақиқатни мардонавор, кўрқмай гапирди. Ўзбек аёлининг фожиали қисмати, пахта яккаҳокимлиги ва Марказнинг юҳолигини ҳамма биларди. Аммо уни баланд минбарда туриб, фақатгина Одил Ёқубов айтди. У шундай жасур ва ҳақиқатгўй ёзувчи эди.

Анжуман кунлари “Нутқ” кўп эсланди. Адибнинг асарлари, асарларидаги катта-кичик образлар, дунё тилларига таржималари қайта-қайта тилга олинди. Энг муҳими, Одил Ёқубовнинг инсоний фазилатлари, яқинларига, қон-қардошларига, билган-билмаганларига қилган яхшиликлари кўп ёдланди. Ўн икки ёшида Одил Ёқубовга мактуб ёзиб, ундан маслаҳат сўраган Соҳиба Музаффарованинг хотиралари қизиқ ва таъсирли бўлди. Ўша қизалоқ мактубига Одил Ёқубов кичикфеъллик билан жавоб ёзади, йўл-йўриқ кўрсатади. Мактабни битиргач, ТошДУ журналистикасида ўқийди қизалоқ. Бугун Соҳиба опа таниқли журналист, эл ардоғидаги адиба. Тўлқин Саидмуродов билан ҳаммуллифликда бизга тақдим этган “Қарноғим – ардоғим” китобини ёзибди.

Шундай беназир ёдловлар асносида адибни яқиндан билган, ёнма-ён юрган, бирга ишлаган Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг яхши бир гапини эсладим: “Одил Ёқубовни қачон эсламай, унинг бир фалсафаси ёдимга тушади. Одил гина қилишни билмасди, у майда гаплардан, юзаки фикрлашдан узоқ одам эди. Одилнинг ўзига хос юксак фазилати шунда эдики, ўзига ёмонлик қилган одамга ҳам ёмонлик қилишни хаёлига келтирмас, аксинча, ҳеч нарса рўй бермагандек дўстона муносабатда бўлиб кетаверарди”. Бундай чин зиёли бўлиш, бундай баланд мартабали адиб бўлиш, бундай юксак мақомга эришган инсон бўлиш осон иш эмас.

Улуғлардан бири “Не учун дунёга келдик – яхшилик қилмасак биз, Не учун дунёга келдик – яхшини билмасак биз”, деган экан. Одил Ёқубов яхшиларни билди, яхшиликлар қилди ва ўзи ҳам зиё аҳли юрагининг тўридан жой олди. Бу табаррук жойни адиб кўп йиллар, кўп асрлар асло тарк этмаяжак. Аслида, бу аллома ёди, фахр туйғулари, ҳар кунги хотирлашлар боис, Қарноқ қишлоғида Одил Ёқубовнинг маънавият қуёши ҳар доим нур сочиб туради.

Одил Ёқубов ижоди хусусида Шуҳрат Ризаев тўлқинланиб сўзлади. Аҳмад Яссавий ҳазратлари изидан Туркистонни Одил Ёқубов дунёга танитганига бир неча бор алоҳида урғу берди. Одил ака билан газетада ўн йиллар бақамти ишлаган таниқли журналист Ашурали Жўраев адибнинг жуда кўп фазилатларини эслади. Андижонлик шоира Хуршида Ваҳобжон қизи шеърлар ўқиди, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Дилфуза Қаршибоева “Сўз” китобининг ҳозирланишидан сўз очди. “Ватандошлар” масъули Камронбек ташкилотчилик билан шуғулланди. Анжуман ташкилотчиларига Одил Ёқубовнинг ўғли Абдумалик ака раҳматлар айтди.

Анжуман кунлари Қарноққа “Одил Ёқубов номидаги адабиёт боғи” жуда ярашади, деб ўйладим. Сайрамлик зиёли Абубакр аканинг “Кўнглингиз тоза бўлсин, қўлингиз қамчи, оёғингиз от бўлсин”, деган тилакларини ён дафтарчамга ёзиб олдим. “Яхшининг оти ўчмайди, олимнинг хати ўчмайди” каби ҳикматлар тердим. Туркистонга, қадимий Қарноқ қишлоғига қараб, Одил Ёқубовдек ҳақгўй адиблар, улуғ донишмандлар ўз-ўзидан бунёд бўлмайди, осмонўпар Қоратовлари, тагзаминида қайнар булоқлари, маънавий хазиналари, ёмби заҳиралари албатта мавжуд бўлади, деган ҳаётий хулосага келдим. Бир кун ортда қолди, сафар қариди. Тошкентга қайтар маҳали Қарноқ қуёши ҳамон нур сочиб турарди.

Баҳодир КАРИМ,
профессор

“JADID” КУТУБХОНАСИ”



ЧИН ТАРИХ УЧҚУНЛАРИ

Ўтмиш – сабаб ва оқибат орасидаги ўзгармас тартибдир. Тарихни оқ-қорага ажратиб эмас, борича қабул қилиш, тарихий хатолардан тўғри хулоса чиқариб, буюк ўтмиш зафарларини такрорлаш, лоақал ўзликни таниш, илҳомланиш, илҳомлантириш воситаси сифатида кенг тадқиқ ва тарғиб қилиш, мақсадга мувофиқдир. Жумладан, яқин ўтмишдаги озодлик ҳаракати намояндалари, жадидлару қатағон қурбонлари тарихи хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналари чоғида бу борада: “Шу кунларда эл-юртимиз билан биргаликда мустақиллигимизнинг 35 йиллигини катта хурсандчилик билан кутиб оляпмиз. Ўттиз беш йилдан буён ҳеч кимга қарам бўлмасдан, мана шундай тинч ва тиниқ осмон остида эркин ва фаровон яшаяпмиз. Бу – катта бахт, бебаҳо бойлик. Шундай улуғ кунларда истиқлол ва озодлик йўлида ҳалок бўлган аждодларимизни эслаш, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш – муқаддас бурчимиз. Барча ислоҳотларимиз марказида турган “Инсон қадри учун!” деган эзгу ғоя жасур ота-боболаримизнинг руҳларини шод этиш, орзу-ниятларини рўёбга чиқариш бўйича ишларимизни янада кучайтиришни талаб этади. Бу азиз инсонлар хотираси қанча эъзозланса, бугунги тинч ҳаётимиз, миллий истиқлолимиз қадри шунча ошади”, дея таъкидлаган эди.

Рўзимбой Ҳасаннинг 2024–2026 йиллар мобайнида “Jadid” газетаси саҳифаларида чоп этилган мақолалари жамланган “Жадидлар изидан” тўплами янги маълумот ва талқинларга бойлиги билан, умуман, Президент сиёсатининг амалдаги ифодаси сифатида алоҳида эътиборга молик. Мазкур мақолаларни нашрга тайёрлаш жараёнида, хусусан, муаллиф билан юзма-юз мулоқот чоғида Рўзимбой оғанинг айрим мулоҳазаларини муболағалироқ, айримларини ҳаққоний, баъзи топилмаларини эса ноёб маълумот ўрнида қабул қилганим рост. Айниқса, “Генерал Жўрабеков” китоби тақдимотидан сўнг “Дўрмон” ижод уйида кечган баҳсларнинг бирида у киши тарихий шахслар мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятларда ўзини қандай тутгани, нималарга мажбур қилинганию, қайси ўринларда босқинчилар билан мутлақо муроса қилмагани ҳолатларига алоҳида эътибор қаратганини айтганида, оғамизнинг илмий мезонига, рости, тан берганман.

Чин-да, озодлик курашчиларини мустамлака тарафдорлари билан тенглаштириб бўлмаганидек, жадид боболаримизнинг бошини кундага қўйиб, кейин ўзиям бошидан айрилиб қолган айрим собиқ тузум жабрдийдаларини ҳам жадидлар сафига қўшиб бўлмайди. Биламизки, жадидликнинг ўз илмий мезони, талаблари бор. Масалан, Чўлпон, Абдулла Қодирийдек жадид боболаримиз билан бир замонда яшаб, мустабид тузум қурбони бўлгани билан, қатағон қурбонларининг ҳаммасиям бирдек жадид ҳисобланмайди. Жадид бўлиш учун шахс, аввало, ўз даврининг энг илғор маърифий қарашларини илгари сурган, жадидча дунёқараши, ақидалари билан миллат озодлиги, мамлакатнинг мустақил тараққиёти учун курашган, керак бўлса, шу йўлда жонидан кечган сиймо бўлиши лозим. Ана шундай тарихий шахсларнинг буюк хизматларини юзага чиқариш мустақилликни мустаҳкамлашга, озодлик ва эркинликнинг қадр-қимматини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мустамлака даврида кўрдик, сохта тарих миллатни ўзлигидан узоқлаштиради, миллий ўзликка салбий муносабатни шакллантириб, авлодларни аждодлардан, ҳатто ўзидан нафратланишга, курашчанлик ҳиссининг сўнишига, энг ёмони, тараққиётнинг чекланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам Болтиқбўйи мамлакатларида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ архивлар очилиб, собиқ тузумнинг бутун фаолиятига муносиб баҳо берилган; тарихий ҳақиқатни тескари талқин қилиб, истибдодни ёқловчиларга нисбатан қонун йўли билан чоралар кўриш орқали мафкуравий бўлинишларнинг олди олинган ва шу йўл билан халқларнинг бирдамлиги таъминланган. Биз эса жамоатчилик орасидаги мафкуравий бўлинишдан хавфсираб, узоқ йиллар мобайнида мустамлака сиёсатининг оғир оқибатларини борича кўрсатишдан андиша қилиб келдик. Шавкат Мирзиёев иқтидорга келган 2017 йилдан кейингина озодлик курашчилари, жадидлар ва қатағон қурбонлари масаласига янги ракурслардан қарала бошланди. Зора, энди то ҳануз собиқ тузумни қўмсаб ёқловчиларнинг кўзи ҳам мошдек очилса, атрофга ҳушёр назар билан қараса. Бу борада Рўзимбой оғадек зиёлиларимизнинг асарлари алоҳида ўрин тутади.

“Jadid” газетаси таҳририяти “Jadid” кутубхонаси” рукнидаги навбатдаги китобни танлашда юқоридаги мулоҳазаларни инобатга олиб, мазкур тўпламни Сиз азизларга армуғон этмоқда. Эслатиб ўтамиз, бу мажмуа мазкур рукндаги еттинчи китобдир.

Шуҳрат АЗИЗОВ



“Мутолаа икки рух орасидаги ошиқона мулоқотдир.

Стивен КИНГ”

КЕЧИНМА

БИР КУНИ

Неварамни боғчадан олгани бордим. Боғча хусусий. Уйимизга яқин. Бўй-басти ярашган, 23-25 ёшлардаги қиз тавозе ила “Хуш келибсиз” деди. Салом-аликдан сўнг, мақсад-муддаомни билгач, қиз “Ҳозир” деб ортига бурилди. Ҳаял ўтмай, ёши элликларга етаёзган бир опа илдам яқинлашиб, нақшинкор, маҳобатли дарвозанинг ихчам эшикчасини очди. Саломлашдик. Гурунгимиз чоғида билдимки, у киши боғча раҳбари Зулхумор Умарова экан.



Опа билан ёнма-ён бораётиб, атроф-теваракка синчков кўз югуртираман. Ҳовли кенг-мўл. Ана боғчаю мана боғча! Йўлаклар, йўллар, бари ранг-баранг кошин. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Озода. Озодалик шундайки, ишонаверинг, бамисоли ёғ тўкилса, ялагудек!.. Ич-ичимдан суюнаман: неварамнинг ўғли – ардоқли эварамиз Муҳаммадамин шундай ажойиб боғчада, мураббияларининг бемисл меҳр-мурувватларидан яйраб улғайяпти.

Вақт ҳали пешин бўлганича йўқ. Қуёш машриқдан мағрибга энаётган маҳал. Боғчанинг йўл бўйидаги қўшқаватли ғиштин биносининг қуюқ соясига юмшоқ гиламлар тўшалган. От, арслон, жирафа, маймун каби минг турли ўйинчоқлару хилма-хил катта-кичик машиначаларга гиламлар усти тўла. Бир-биридан ширин болалар талашмай-тортишмай, бир онанинг болаларидай ўйинчоқларни хуш-хуррам ўйнашмоқда. Беихтиёр, ўзимнинг болалик кезларим хаёлимдан кечади: миллион-миллион қурбонлар эвазига яқиндагина фашизм устидан ғалаба қозониб, Рейхстаг қуббасига байроқ тиккан қаҳрамон ғолибларнинг фарзандларимиз. Кечагидай ёдимда, қишлоқ боғчасида тол хивичларни миниб елдирганмиз. Эски-туски газета парчаларидан тинчлик кабутарларини ясаб учирганмиз. Нимасини айтасиз, ширинчой – азиз, бўлка нон – бебаҳо неъмат эди...

Биз, гангур-гунгур суҳбатлашган кўйи, қарийб қирқ чоғли болачаларга яқинлашаёзган эдик. Зулхумор Умарова хаёлларимни бўлиб:

– Эварачангизни тополасизми? – деб сўради.

Албатта, айни ўша лаҳзаларда, соғломлик ва қувноқликда бир-бирларига бир томчи сувдай ўхшаш болачалар даврасидан ажратиб: “Ана, менинг эваражоним!” дея олишим маҳол эди. Лекин мен ардоқли эварам билан иккаламизгагина аён “парол”ни қўлладим:

– Бобосининг бобожони қани?!

Бундай демоғимдан эзгу муддаом шулки, эварам Муҳаммадамин эрта бир кун мен каби умрнинг саксонидан ўзиб, тўқсони билан тўқнашаётганида ҳам, элу юртию она Ватани хизматига камарбаста бўлсин, насиб этса, жонидай азиз бўлажак ўғил-қизларидан тўраяжак невара-эвараларига бениҳоя меҳрли ва беармон оқибат кўрсатсин. Ҳада, буям бир қадим ота-бобойи ирим-да!.. Ахир, айтадилар-ку, қуш уясида кўрганини қилур. Хуллас, менинг овозим шодумон янграганидаёқ, Муҳаммадамин ирғиб ўрнидан турди-ю, қулочини кенг ёйди. Ана, кўзларида сўнгсиз севинч, жисму жонида адоқсиз ифтихору қизғин ғурур тантаналари мавж урмоқда.

– Мани жўражонимми шу?!. – деб шартта бағримга босдимда, юз-кўзлари ва пешонасидан қайта-қайта ўпдим. Одатимча, сочларини тўзғитиб, елкаларини силадим. Бирам ёқимлики, жонимдай азиз қароғимнинг ҳидидан баҳри дилим яйраб, кўксим бир қалқиди.

– Юринг, энди эваражонингизнинг ётоқхонасини кўрасиз.

Кўркам, ҳашаматли бинонинг биринчи қаватидамиз. Сездимки, дафъатан хушбўй тоза ҳаво, салқин эпкин димоғингизни эркалаётгандай туюлади. Деворларда эса болажонларнинг диққат-эътиборларини жалб этгувчи турли ўйинчоқ ва қўғирчоқларнинг расмлари, бари бир-биридан қизиқарли. Икрор бўлишим керак, ётоқхонадаги шоҳона шароитни кўриб, ҳам суюндим, ҳам қойил қолдим. Болаларнинг кроватчалари, кўрпа-тўшаклари қойилмақомлигини айтмайсизми. Рост, куни кеча бунақаси орзу, бунақаси армон эди-я!.. Кроватчалар ердан атиги бирор қаричча баландлигига анг-танг қотиб ўйлайман: – Мана, бўлар экан-ку!

Директор билан суҳбатдан билдимки, боғчада 80 нафар бола тарбияланаётган экан. Тўрт гуруҳ. Эварамни ўз боласидай парваришлаётган мураббия опаси Лайлохон Собирова билан биргаликда бу гуруҳларда Мая Мансурова, Зулфия Раҳимова, Елена Монакова тарбиячилик қилар экан. Директорнинг айтишича, бу ерда – бола мулоҳазаларининг мантиқийлигига эътиборни кучайтириш, дунё билан таништирув, нутқни ривожлантириш, мустақилликка ўргатиш ҳамда хаёллар ўзғирлигига эрк бериш усулидан фойдаланилади. Ўйлаб кўрсангиз, боғчадаги тарбия усуллари кўп жиҳатдан мақтовга сазовордир.

– Тарбиячиларимиз тажрибали, малакали мутахассислар, – дейди Зулхумор Умарова фахр билан давом этиб. – Бизда талаб ва назорат қатъий.

Мен мақсад-муддаомни айтдим:

– Эварам баъзан жумлаларни тўлиқ ва равон гапиришда қийналади. Бир профессор танишимдан лагопедларингиз Дилфуза Мирзакаримовангинг довруғини эшитиб келганман. Учрашсак бўладими?

– Афсус, – деди директор, – Дилфуза таътилда. Сиз ҳозирча ташвишланмасангиз ҳам бўлади, эварангиз икки ярим ёшда. Тўғрими?.. Уч ёшга етгунча, албатта тенгдошларидан ўзиб кетади. У жуда шўх-ку!..

Директорнинг ишонч билан айтган хулосаси мен учун энг қимматли таскин, энг бебаҳо тасалли эди, хушҳол жилмайдим. Алалоқибат, суҳбатимиз хайрли якунига етган эди, эски қадрдонлар каби хайрлашдик.

Йўлдаман. Хаёлим Муҳаммадаминимизда: мен ишончимда барқарорман, насиб этса, эрта бир кун мен каби мўйсафид ёшга етганида, эварагинам – илоё бахтли, баракотли умр бersин – бугунги учрашувимизни, албатта, бот-бот қизғин миннатдорлик ила эслайди.

Нортўхта ҚИЛИЧ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

МУҲАРРИРНИНГ МАЪНАВИЙ ЖИНОЯТИ

Ақли жойида ҳар бир китобхон бадиий асардаги асосий матн ва муаллиф қитмирлиги ёки чорасизлиги сабаб “тупук билан ёпиштирилган” матнларни биттада ажрата олади. “Қутлуғ қон”да Йўлчини “тарбият” этган рус ёки “Мирзо Улуғбек”да мутаассиб қилиб тасвирланган Хожа Аҳрор Валий образлари “муҳит кучли экан, эгдим бўйним” қабилидаги чоралар эди.



Истеҳзо бу энди бошқа масала. “Лолазор”, “Момақалдироқ остида сайр”, “Даъво” романларида истеҳзо ҳадди аълосига етган, лекин чегарадан ўтмаган. Истеҳзо, киноя, қочирим, ишора, кесатиққа маълум даражагача тоқат қилиш мумкин. Бироқ камситиш, масхаралаш ва қадр-қимматни ерга уришнинг энг кичик миқдорига ҳам муросасизлик лозим.

Баъзан катта бир асарни муаллифнинг пайтдан фойдаланиб кимгадир нишини санчиб олиш истаги расво қилади. Муаллиф кўнглига келганини ёзиши мумкин, ўқувчи ақли етганича тушуниши мумкин, масъул ташкилотлар йўналишига кўра баҳолаши мумкин. Учаласи ҳам ўзича ҳақ. Лекин ўртада нозик шахс бор: нашриёт муҳаррири. У ёзувчининг эркалигини, ўқувчининг қизиқувчанлиги ва кимларнингдир талабчанлигини бирдай ҳисобга олиши керак. Энг муҳими, асарда зўракилик бошландими, воз кечиш зарур ўша сатрлардан. Буни муҳаррир сезмаслиги мумкин эмас, акс ҳолда, у ўтирган жойига лойиқмас. Муҳаррир цензор эмас, бироқ сараловчи. Ачинарлиси, ёзувчининг яхши бир китоб иншо этаётиб, кимларнидир “туртиб кетиш”га бўлган тийиқсиз иштиёқи ва ўз аламзадалигини қондирган қитмирликка кўз юмган муҳаррирнинг худбинлиги ўқувчи ва адабиёт зарарига ишлайди. Мана шу муҳаррирнинг маънавий жинояти. Жиноятнинг эса, албатта, бадали бор. Афсуски, бу тўловни муҳаррир ёлғиз тўламайди: ўқувчи янги ва яхши бир асардан бебаҳра қолади.

Отабек БАХТИЁР

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 070
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 503
Лотин ёзувида – 11 567
Медиа кузатувчилар – 89 916
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов
Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй
Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (93) 636-72-32
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ